Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 23 ноябрь, Шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 89 (6786)

Даъват

Инсонни наслнасаб ва амал эмас, балки ҳаё ва адаб шарафли қилади.

Алишер НАВОИЙ

Ибрат

Элликқалъадаги Оқчақўл соҳилида жойлашган «Камалак» болалар оромгоҳи «Орол болалари» халқаро ўқув-соғломлаштириш марказига айлантирилди. Бу эса йилига 5-6 минг нафар болани таълим жараёнидан ажратилмаган ҳолда даволаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ АХБОРОТ МАРКАЗИ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаганлигини назарда тутиб, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган сиёсатни кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга тезкорлик билан муносабат билдириш орқали жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот марказининг маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқаро йўналишларга асосланган тизими таркиби, низоми ва лавозимлар рўйхати тасдиқлансин.

2. Ахборот маркази зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, маъруза ва нутқлари, Ўзбекистон қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид барча муҳим воқеалар моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз аҳолисига ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш вазифаси юклатилсин.

Асосий эътибор ислоҳотларнинг тарихий аҳамияти, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, буюк келажак йўлида фидойилик, миллий ғурур ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, халқ ва Ватан манфаатларига содиқлик, одамлар онгида рўй бераётган ўзгаришларни чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий, маънавий ва халқаро шарҳлар орқали ёритишга қаратилсин.

3. Ахборот маркази эркин демократик ахборот маконини яратиш ва бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатишлари йўлида оммавий ахборот воситаларини қуллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Таниқли олимлар ва мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадида Ахборот маркази қошида маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқаро йўналишлар бўйича жамоатчи шарҳловчилар гуруҳлари ташкил этилсин.

5. Ахборот маркази Президентнинг фармон ва фармойишлари, нутқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан таъминлансин. Ахборот маркази ходимларининг Олий Мажлис сессияларида, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ва республика миқёсида ўтказиладиган барча муҳим тадбирларда қатнашишлари кўзда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 21 ноябрь

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● 20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Канаданинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Энн Лейхи хоним, Чехиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Лубош Добровски, Жазоир Халқ Демократик Жумҳуриятининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Риам Абдулқодир, Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Богуслав Качински ишонч ёрлиғини топширди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европанинг «Аэроинтернейшнл» компанияси вице-президенти Петер Конноли раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қобилжон Обидов Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коунчи Обата билан учрашди.

● Россия Федерациясининг Бош вазири Виктор Черномирдин Хавфсизлик кенгаши котиби Иван Рибкин билан Чеченистон муаммоси хусусида қисқача суҳбатлашди.

● Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов умумий қиймати 3,5 миллиард америка доллари ҳисобида баҳоланаётган Туркманистондан Афғонистон орқали Покистонга ётқизиладиган газ қувури қурилишида консорциум ташкил этишга Ўзбекистон, Покистон, Афғонистон ва Қорақалпоғистонни таклиф қилди.

● Афғонистонда мухолиф томонлар БМТ воситачилигида ўтказилаётган музокараларда муайян натижаларга эришмоқда. Хусусан собиқ президент Б. Раббоний ва Толиблар вакилларининг Қобулдаги қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва ҳамкорликдаги полиция кучларини ташкил этишдаги фикри бир жойдан чиққан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ АССАМБЛЕЯСИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК ҲАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ўртасида маданият, маърифат, тил, илм-фан ва маънавий қадриятларга асосланган ўзаро ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани ҳамда ушбу минтақа зиёлилари ва кенг жамоатчиликнинг мурожаатларини инобатга олиб, халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстлик ва маънавий бирликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро ҳаракатининг халқларимизнинг муштарак бой анъанавий меросини авайлаб-асрашга, адабиёт, санъат, илм-фан соҳасида эришган ютуқларини дунёга танитиш, бу соҳада янги имкониятларни излаб топиш ва тарғибот ишларини такомиллаштиришга қаратилган фаолият дастури маъқуллансин.

2. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрида унинг жамғармаси тузилгани ва Низоми Ўзбекистон Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтгани инобатга олинсин.

3. Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари:

ассамблея дастурини амалга оширишга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга минтақа ва бошқа мамлакатлардаги сармоядорларни жалб қилиш, ўз низоми доирасида ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий фаолият, тижорат, туризм ва ноширлик ишлари билан шуғулланиш;

Марказий Осиё халқларининг тарихий бирлиги ғояси-ни улуғлаш, илмий, маданий-маърифий алоқаларни такомиллаштириш, тинчлик ва осойишта ҳаёт йўлида дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш;

буюк аждодларимизнинг асрлар мобайнида яратилган ва ноёб маънавий мулкимизга айланган мероси — муштарак миллий ва умуминсоний қадриятларни авайлаб-асраш, бойитиш, мустақиллик манфаатлари йўлида кенг тарғиб қилиш;

ёш авлоднинг муштарак анъаналарга ҳурмат ва садоқат, истиқлол туфайли қайта уйғонган ўзликни англаш, миллий ғурур, меҳр-оқибат, яқин қўшничилик ва биродарлик туйғуларини юрак-юракдан ҳис этиши, минтақада тинчлик ва осойишталик бунёдкорлари, порлоқ истиқбол ижодкорлари бўлиб камол топиши учун саъй-ҳаракат кўрсатиш;

мунтазам равишда маданият, адабиёт, санъат, фольклор, миллий ҳунармандчилик, болалар ижоди каби соҳалар бўйича халқаро фестиваллар, анжуманлар, кўрик-танловлар ўтказиш, ассамблеянинг турли мукофот ва совринларини жорий этиш, шу орқали ижод аҳли ва зиёлиларни шонли тарихи, бетимсол бугуни, ёрқин келажаги бир бўлган қон-қардош халқларнинг азалий ва абадий ҳамкорлигини улуғловчи бадиий баркамол, юксак инсонпарварлик руҳидаги ўлмас асарлар яратишга илҳомлантиришдан иборат эканлиги эътиборга олинсин.

4. Жамғарманинг таъсисчилари ва ҳомийлари, турли ташкилотлар, корхоналар ва жамоатчиликнинг уни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Жамғарма ва унинг тасарруфига кирувчи бўлинмалар, корхона ва ташкилотлар барча турдаги давлат солиқларидан, божхона тўлови ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган боқиқ тўловлардан беш йил муддатга озод этилсин, шунингдек, таъсисчилар ва ҳомийларнинг даромаддан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг жамғармага ўтказадиган пул маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) жамғармага Вазирлар Маҳкамаси заҳирасидан 10 (ўн) миллион сўм маблағ ажратсин ҳамда жамғарма дастурига доир хорижий ҳамкорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган миллий сўмни эркин муомаладаги валютага айирбошлашни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Ф. Муллажонов) жамғармага Низомда кўрсатилган фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли кредит беришни ҳал этсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (К. Тўлаганов) бир ой муддатда Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро жамоатчилик ҳаракатининг қароргоҳи ҳамда жамғарма учун бепул алоҳида бино ажратсин.

9. Оммавий ахборот воситаларига жамғарма фаолиятини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 21 ноябрь.

ИСЛОМ КАРИМОВ КАТТА ТЕННИС ВА РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИ ЯХШИ КЎРАДИ

«Новое время» журнали мухбири Аркадий Дубнов Ўзбекистон Президенти билан суҳбатлашди

Афғонистонга қилган сафаримдан Тошкент орқали қайтиб келаётган эдим: у ерда туркий тилли давлатлар бошлиқларининг тўртинчи учрашуви ўтаётган эди. Табиийки, Ислом Каримов билан учрашиш имконияти пайдо бўлганида суҳбатни ҳозирги вақтда Марказий Осиёдаги энг қийин муаммо тўғрисидаги саволдан бошладим...

– МДҲдаги манфаатдор давлатлар бошлиқларининг Алматидаги Афғонистон муаммосига бағишланган учрашуви МДҲ доирасида ҳарбий ҳамкорликка ёндашувлар турлича бўлишига қарамай, ўзаро келишиб олинган умумий ҳаракатларга ҳам эҳтиёж борлигини кўрсатди. МДҲ коллектив хавфсизлиги тўғрисидаги Тошкент Шартномаси эсга олинди... Сиз нима дейсиз, Афғонистондаги вазият ҳақиқатан ҳам МДҲ жанубий чегараларидаги барқарорликка хавф соляптими?

– Ҳозирги кунда шахсан мен учун, халқимиз учун энг асосий муаммо – мустақилликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдир. Бизнинг мустақиллигимиз ва ислоҳотларимизга қандайдир хавф вужудга келаётган бўлса, бу хавфни қандай кучлар билан бартараф этиш тўғрисида ўйлай бошлаймиз.

Толиблар муаммоси кеча пайдо бўлгани йўқ, улар тўғрисида икки йилдан буён гапирилмоқда. Лекин уларнинг Кобулни эгаллаши, Афғонистон шимолига ғолибона юриши, ўзига ортиқча бино қўйган кишиларнинг манманлик билан берган баёнотлари ҳар қандай чегарадан чиқиб кетмоқда. Улар ўз таъсирларини Афғонистон чегарасидан ташқарида ҳам ўтказишни ўйлашаётгани ҳақидаги, айтишим мумкинки, сурбетларча қилаётган баёнотлари ҳаддан ошиб кетмоқда... Бундай вазиятда биз Россиянинг, аниқроғи ташқи ишлар вазири Евгений Максимович Примаковнинг Алматидаги кенгашда иштирок этишга таклифини сўзсиз қабул қилдик.

Шуниси қизиқки, учрашув иштирокчиларининг фикри бир-биридан фарқ қилмади. Урушаётган томонлар теварагида тўпланаётган кучларга турлича баҳо берилгани, кимнинг орқасида кимлар турганлиги хусусидаги турли фикрлар эса бошқа гап... Бироқ толиблар бизга хавф солаётганига келганда – бу масалада фикрлар бир жойдан чиқди. Шу билан бир вақтда мен «Толибон» ҳаракатига қарши ягона жабҳани яратишга уринишларни дарҳол рад этдим. Биз толибларни Афғонистондаги муайян ички кучларнинг вакили бўлмиш мухолиф томонларнинг бири деб ҳисоблаймиз. Толиблар Покистонда вужудга келганига қарамай (толиблар ўша ерда барпо этилди, шакилланди), улар Афғонистонда ҳокимият учун курашда ўз йўлини тутмоқда ва муайян минтақанинг вакилларидир.

– «Ягона жабҳа» мақбул эмаслиги тўғрисида гапирганингизда Сиз Афғонистон ташқарисидаги жабҳани назарда тутяпсизми ёки Афғонистон ичида тузилган Маъсуд, Дўстум, Ғилоний, Халилийлар коалициясидан иборат толибларга қарши жабҳанимми?

– Саволингиз замирида шундай маъно бор: гўё Афғонистонда қандай гуруҳлар бир-бири билан бирлашиши лозимлигини биз биладигандай. Сиз келтирган номлар менга маълум, лекин бу одамлар қандайлигини ва уларнинг орқасида қандай ҳарбий ёки сиёсий куч турганлигини билмайман. Сиз бу кучларнинг ҳар бири Афғонистон ташқарисида муайян мададдан фойдаланмоқда, демоқчи бўляпсиз... Аммо, мен бунга қаршиман ва Афғонистоннинг энг катта фожиаси у ердаги можарога аралашган томонларнинг ҳар бири қурол-яроғ, моддий воситалар ва маблағ тарзидаги ташқи мададни изламоқда, деб ўйлайман. Ҳарбий инструкторлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаб қўйиш тўғрисидаги фикримиз ана шундан келиб чиққан. Бу фикрни биз БМТ Хавфсизлик Кенгашига етказдик. Уни Европа парламентидаги буюк давлатлар қуллаб-қувватлади.

Ягона жабҳа тўғрисида шуни айтмоқчиманки, Алматидаги учрашув натижаларини Афғонистонда урушаётган томонлардан бирига ўз хайрихоҳлигимизни намойиш этишга уриниш, деб тушуниш нотўғри бўлур эди. Дўстум ёки унинг кимлар биландир иттифоқига хайрихоҳлик билдираётганимиз йўқ. Бундай қилиш Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш бўлур эди. Биз фақат толибларнинг жанубий чегараларимизга яқинлашиб келаётгани, уларнинг, жоиз бўлса, мутаассиблиги ва бутунлай беҳаё баёнотлари, Кобулда ғалабадан маст бўлиб, қилган бошбошдоқликлари – буларнинг ҳаммаси бизнинг хавфсизлигимизга, осойишталигимизга раҳна солаётганини айтдик.

БЕНАЗИР БХУТТОНИНГ «ТУТУН ПАРДАСИ»

– Яқинда Покистон Бош вазири Беназир Бхутто толибларга фақат Покистон мадад бермаётганини, улар Саудия Ара-

(Давоми 2-бетда)

Шу йилнинг 27 ноябрида Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейида Республика ёш қаламкашларининг «Узбекистон—Ватаним маним» мушоираси бошланади.

Бир гуруҳ ёш қаламкашлар ижоди билан 4-бетда танишасиз.

КЎРИК- ТАНЛОВ МАЛИКАСИ

ёхуд «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида»

Тошкентда республикамиз педагогика билим юртларида таълим олаётган оқила толибалар бўлғуси мустақил ҳаётида ҳам оқила ўй бекаси, она ва шу билан бирга болажон муаллима бўлишларини намойиш этишди. Бу танловда Хива педагогика билим юрти толибаси Озода Саидова (суратда) ғолиба деб топилди.

Бу ҳақда 3-бетда ўқийсиз.

Тўйлар муборак

МАКТАБДА ҚЎШАЛОҚ ТАНТАНА

Собир Раҳимов туманига қарашли Ботир Зокиров номидаги 46-мактаб шу кунларда ўзгача айём арафасида. Эътибор берган бўлсангиз ушбу жумлада биз айнан ўзгача сўзига алоҳида урғу бердик. Хўш, ўзгача сўзининг ўзгачалиги нимада? Аввало бугун мактабнинг ташкил этилганига 70 йил тўлган бўлса, бунга ҳамоҳанг тарзда мазкур мактабга номи берилган Ботир Зокировнинг ҳам 60 йиллик таваллуди нишонланяпти. Биз қуллаган ўзгача сўзининг моҳияти ҳам ана шунда. Ушбу мактабни тараддудга солаётган катта тўй, бугун деярли пойтахтимизни ҳар бурчида овоза.

Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг «Мозийга қайтиб, иш кўрмоқ хайрлидир»деган ҳикматини эслаш керак бўлади. Бинобарин, мактабнинг ўтмишига кўз югуртирмоқ ҳам фойдалидир.

Илк бор 1926 йилнинг куз ойларида шаҳарнинг биқинги-насида жойлашган Мавлонбой ҳовлисида болалар уйи ташкил қилинган эди. Унда дастлаб 4 йиллик, сўнг 7 йиллик, кейин 10 йиллик мактаб юзага келди. Уша пайтда мактабни 8 ўқувчи битириб чиққан эди. Уларнинг қўлларига эса рус эрлар мактабининг битирувчилари деган гувоҳнома берилганди.

Бир вақтлар халқимизнинг мангуликка дахлдор юзлаб ўғлонлари бўла туриб, кўпгина жойларимиз ёт кимсалар номи билан аталди. Жумладан, мазкур мактаб ҳам Успенский номи билан юритилди 1990 йилдан бошлаб эса мактабга Ботир Зокиров номи берилди. Негаким, машҳур санъаткор ҳам бахтли болалигини шу мактабда ўтказиб, катта ҳаётга қадам қўйганди...

Яна бевосита мактабнинг бугуни, ҳаяжонли кунларига қайтсак. Катта тўйнинг ширин ташвишлари ҳам борда! Бир томонда байрамни ўтказиш ташкилий қўмитаси тузилиб, улар ҳам айёмни кўнгилдагидек ўтказиш учун баҳоли-қудрат ҳаракат қилишмоқда. Қўмитага маҳалла фаоллари, собиқ ўқувчилар ва ҳомийлар жалб қи-

(Давоми 3-бетда).

ММММ — ХАБАРЛАРИ

КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Сурхондарё вилоятининг адиб Собир Термизий номидаги марказий кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Конституцияси, мустақил мамлакатимиз қонунлари, бозор иқтисодиётига оид материаллар чоп этилган китоблар, газета ва журналлар қўйилди. Шунингдек, кўргазмада «Буюк келажагимиз ҳуқуқий кафолати», «Мустақиллигимиз тимсоли» каби мавзуларда библиографик обзорлар, суҳбатлар бўлиб ўтди.

ЭНГ ИЛҒОР КУТУБХОНАЧИ КИМ?

Қашқадарё халқ таълими бошқармаси вилоят маданият ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда мактаб кутубхонаси мудирларининг «Илғор кутубхоначи-96» кўрик-танлови ўтказди. Танловда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан 16 нафар қатнашчилар адабиёт, тарих, ижтимоий-сиёсий мавзуларда узаро беллашдилар.

Натижа эса Қамаши тумани гимназия мактаби кутубхоначиси Гулноза Холматова 1-ўринни эгаллаганлигини кўрсатди. Ғолибга вилоят халқ таълими бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

FAZILATLI TADBIR

Navoiy viloyati Madaniyat bo'limida bolalar musiqa maktablari, «Shirin» madaniyat saroyi va kutubxonalar hamkorliqida «Fazilat nurlari» deb nomlangan tadbir o'tkazildi. Unda taniqli uslubshunoslar, kutubxona mudiralari qatnashdilar. Tadbirga shahardagi 2-o'rta maktab o'quvchilari taklif qilindi. Ayniqsa kitob ko'rgazmalarining tashkil etilishi tadbir qatnashchilarida katta taassurot qoldirdi.

ЖУРНАЛИСТЛАР КЕЧАСИ

Якинда Тошкент Давлат университетининг маданият саройида журналистика факультети I-курс талабаларининг Ватан мавзусига бағишланган ижодий кечаси бўлиб ўтди. Кечада филология фанлари номзоди, доцент Марҳамат Азизова, журналистика факультети декани Омонулла Мадаев, Қашқадарё вилояти «Улуғбек» ишлаб чиқариш савдо фирмаси директори Панжи Ҳусановлар сўзга чиқдилар. Йиғилганларга ёш журналистлар узларининг ижод намуналаридан ўқиб беришди.

МУАЛЛИФЛАР: М. КАРИМОВА, М. АҲМЕДОВ, Sadbarxon G'O'RAEVA, Ф.ЭШҚУЛОВ.

ИСЛОМ КАРИМОВ КАТТА ТЕННИС ВА РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИ ЯХШИ КЎРАДИ

(Боши 1-бетда)

бистони пули ҳисобидан АҚШ ва Буюк Британия ёрдамида тайёрланганини айтди. Яқинда Покистон Президенти Фарруҳ Легҳарийни Тошкентда қабул қилганингизда шу муаммони у билан муҳокама қилдингизми?

– Сиз Узбекистоннинг имкониятларига ортиқча баҳо беряпсиз. Бундан ташқари, Покистон Президентининг ташрифи тўғрисида биз май ойида келишиб олган эдик. У вақтда толиблар Кобулни эгаллаганидан сўнг вужудга келиши мумкин бўлган вазиятни тасаввур ҳам қилмаган эдик... Узбекистон – Покистон муносабатларига доир биргаликда тайёрланган ҳужжатлар анча олдин тузилган. Бу ҳужжатларда Афғонистонга яқин вақт ичида барқарорлик ўрнатиладиган мамлакат деб қаралган эди. Бундай барқарорлик Покистон билан Марказий Осиё уртасидаги алоқаларни Афғонистон орқали йўлга қўйиш имконини берарди. Қанчалик ғалати туюлмасин, Афғонистонда ўн саккиз йилдан буён давом этаётган урушдан айни Покистон қўпроқ жабр тортмоқда.

Чунки миллионлаб Афғонистонлик қочоқлар Покистонга ўзлари билан бедодликларни олиб борди, жангарилар, ўқ-дорилар, наркотик моддалар кўпайиб кетди... Мен Покистон ҳукуматига ҳавас қилмайман. Шу сабабли айнан Покистон ҳукумати қўшни мамлакатда барқарорлик ўрнатилишидан ҳаммадан кўпроқ манфаатдордир. Афғонистондаги тинчлик афғонларнинг ўзларини йўллар, газ қувурлари, телекоммуникациялар қурилишига жалб этиш имконини беради.

Лекин биз жаноб Легҳарий билан бу мавзуда гаплашмадик, десам нотўғри бўлур эди, бизнинг фикрларимиз ўхшаш бўлиб чиқди – урушни тўхтатиш керак. Афғонистондаги урушга барҳам беришнинг турли йўллари, хусусан, Кобулни қуролсизлантирилган зонага айлантириш, у ердан қурол-яроғларни олиб чиқиб кетиш, Кобулда тартибни бетараф кучлар сақлаб туриши (у ерда бетараф кучлар мавжудлигига шубҳа қилсам ҳам) каби масалалар муҳокама қилинди... Бундай баёнотлар пайдо бўлишининг ўзи ҳам яхши гап. Чунки кимки, Кобулни эгалласа, ҳукумат ўшанга қарашли бўлади, дейишмоқда ва бу эҳтиросларни авж олдирмоқда. Лекин мен шунга аминманки, ҳукумат таркибига бир-бирига қарши турган барча уруғлар, диний ва ҳудудий кучлар вакиллари кирсагина барча учун мақбул ва қонуний бўлади.

– Қурол-яроғларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида фақат генерал Дустум гапирмоқда...

– Менга маълум бўлишича бу ҳақда энди Кобулда ҳам гапиришмоқда. Улар (толиблар – А. Д.) бу ҳақда гапиришга мажбур бўлишмоқда. Улар маърифатдан узоқ бўлган усуллар билан одамларни бешафқат қилиб қўйишди, XX асрнинг охирида бундай усулларнинг ўтмаслигини энди тушуниб қолишди...

– Ҳар ҳолда Беназир Бхуттонинг баёноти тасодиф эмаслир?

– Ҳар бир Бош вазир ўзи зарур деб ҳисоблаган гапларни айтишга ҳақли. Лекин Беназир Бхутто хонимнинг бу баёноти, қурол-яроғ Американики, қурол-яроғ Англияники, пул Саудия Арабистонники, деган баёноти ишонарли даражада жиддий эмас. Менимча, бундай шароитда ҳар бир мамлакат қандайдир муаммоларни ўзидан четлаштириш учун тутун пардасини вужудга келтиради. Назаримда, ҳозир қурол-яроғ кимники, кимнингдир пули, кимнингдир ташаббуси тўғрисида гапирмаслик керак – бу янги муаммоларни келтириб чиқаради. Мен Бхутто хонимни ҳурмат қиламан, уни эътиқодли демократ, Покистоннинг келажаги демократик тараққиёт эканлигини кўра билади, деб ҳисоблайман, бу энг оқилона йўлдир.

«РАҲМОНОВ ҲАҚИҚАТ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШИ КЕРАК»

– Яна бир оғир муаммо ҳақида... Сиз тожикларнинг ўзаро музокараси жараёнидан қаноат ҳосил қиласизми?

– Мутлақо қаноат ҳосил қилмайман. Бу жараён бугунги кунда ҳам бир ярим йил бурунги даражада турибди. Теҳронда Тожикистон Президенти Раҳмонов билан мухолифат раҳбари Нурий ўртасида қўшма баёнот имзоланган, шунга асосан урушни тўхтатиш ҳамда Тожикистон – Афғонистон чегарасида барқарорликни ўрнатишнинг барча режалари тузилганидан буён ўтган вақт мобайнида ҳеч нарса ўзгаргани, олдинга силжиш бўлгани йўқ. Турли шаҳарларда бўлиб ўтаётган, Ашгабадда икки марта такрорланган бундай учрашувларнинг барчаси Теҳронда эришилган натижаларни такрорламоқда, холос.

– Аслида томонлар ўжарлигининг сабаби нимада?

– Бу жудаям мураккаб савол. Унинг мураккаблигини ўзингиз ҳам билиб турибсиз. Гап кимнинг ўжарларча ким биландир ҳисоблашмаслигида эмас. Масаланинг моҳияти ҳам аслида бунда эмас. Менинг назаримда, Тожикистон муаммосини ҳал этиш калити ҳам, худди Афғонистон муаммосини ҳал этиш калити сингари, Тожикистонда эмас, унинг ташқарисида... Сиз менинг айнан қандайдир номларни айтишимни истаяпсизми?

– Албатта...

– Шунақа денг... Сиз ҳозир мухолифатнинг қароргоҳи Теҳронда жойлаштанини биласиз, албатта. Мухолифатнинг бошқа бир қисми эса – Москвада. Ана шундан бу жараён нега олга силжимаётгани хусусида хулоса чиқариб олаверинг...

Умуман олганда, жиддий гапирадаган бўлсак, Раҳмонов ҳанузгача ҳамма нарсага фақаттина сиёсий музокаралар, ўзаро муроса орқали эришиш мумкинлигини тўла англаб етгани йўқ... Қанчалик қийин бўлмасин, у ҳақиқат билан ҳисоблашишга мажбур. Фақат шундагина Тожикистон муаммосини ҳал этиш мумкин бўлади. Яна шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, агарда Раҳмонов бундан бир йил бурун МДҲ мамлакатлари раҳбарлари учрашувида билдирилган фикрларга – Ельцин ҳам, Черномирдин ҳам, Примаков ҳам бу хусусда жуда астойдил гапирган эди – амал қилганида, Душанбенинг мавқеи ҳозиргидан кўра анча мустаҳкам бўларди. Бу вазият чуқур идрок қилинмас экан, маълум вақтдан кейин – мен аниқ муддатни айтишни истамайман – бу мавқе янада сустлашаверади.

– Мабодо мухолифатнинг Теҳрон ва Москвадаги вакиллари ўзаро тил топишса, бу тинчлик ўрнатиш жараёни фойдасига хизмат қиладими? Саволимга аниқлик киритай: мен «Миллий тикланиш» блокини таъсис этган Абдумалик Абдуллажонов ҳамда Тожикистоннинг иккита собиқ Бош вазирини назарда тутяпман. Бу саволга жавоб бермаслигингиз ҳам мумкин, албатта...

– Йўқ, Аркадий, мен суҳбатимизнинг бошидаёқ ҳамма саволингизга жавоб бераман, деганман. Мен бирлашган тожик мухолифати икки қисмдан, яъни бир қисми – биз илгари учрашган жаноб Нурий ҳамда Туражонзода раҳбарлигидаги, иккинчи қисми эса жаноб Латифий бошчилик қилаётган, ҳозир Москвада бўлган демократик кучлар марказидан иборат, деб билардим. Ҳозир эса сиз Абдуллажонов тўғрисида гапириб турибсиз... Дарвоқе, у ўзини мухолиф деб ҳисоблайдими-йўқми мен буни билмайман. У «учинчи куч» тўғрисида гапиради, аммо мен бу «учинчи куч»нинг бирлашган тожик мухолифати таркибига киришини билмас эканман.

– Йўқ, мен бу ҳақда қатъий гапирганим йўқ. Мен фақат агар шундай иттифоқ пайдо бўлса, унинг таъсири кучаядими, деб сўрадим. Менга маълум бўлишича, Душанбенинг ўзида ҳам бу «учинчи куч»ни унча хуш кўришмас экан. Иккита куч учинчи кучни унчалик хуш кўрмаса-ю, улар бирлашса-чи?

– Бу жуда ҳам мантиқий фикр. Лекин мен бугунги кунда жаноб Раҳмонов, энг аввало, жаноб Нурий билан келишиб олиши керак, деб ўйлайман. Менда қандайдир «учинчи куч»лар ҳақида ахборот йўқ. Ўзи ҳақида шундай ахборот тарқата олиши учун бу «учинчи куч» бошқа кучлар қаторида музокарага қўшилиши керак. Агарда жаноб Раҳмонов билан жаноб Нурий ўзаро тил топишса, «учинчи куч» ҳам бу билан ҳисоблашишга мажбур бўлади.

БИЗГА ЎЗГАЛАРНИНГ НАРСАСИ КЕРАК ЭМАС

– Узбекистоннинг иқтисодиёт билан боғлиқ ички ишлари хусусида тўхталсак, дегандим. Республикада хорижий сармоялар билан боғлиқ ишлар кўнгилдагидай эканидан хабарим бор. Бироқ бугунги кунда менда хорижий бизнесменларнинг бир қисмида ўзбек валютаси конвертацияси, яъни сўмни долларга айирбош қилиш имконияти йўқлиги билан боғлиқ хавф туғилгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Яъни мамлакат ичкарисида конвертация йўқ, аксинча, долларнинг баҳоси расмий нархдан 50 фоиз баланд бўлган бозор бор эмиш. Вазиятнинг бу қадар ёмонлашиши нима билан боғлиқ?

– Ҳақиқатан ҳам, сиз айтган гапларда жон бор. Модомики, савол туғилган экан, мен биронбир нарсани инкор этмоқчи эмасман... Бироқ вазиятга холисона изоҳ бермоқчиман. Мана сизга Узбекистон биржа ва бозорларида сўмнинг долларга алмашуви ҳажмининг ўсиши даражаси: 1995 йилда бу рақам 1 миллиард 300 миллион доллардан иборат эди. Бу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида бу кўрсаткич 1 миллиард 900 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Йил охиригача конвертация миқдори 2 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда. Кўриб турибсизки, гап конвертациянинг камайиши тўғрисида эмас, аксинча, 60 фоизгача усиб бориши ҳақида кетяпти.

Мен бу ўринда конвертациянинг ўзи нималиги ҳамда у қандай мақсадда амалга оширилиши хусусида тушунтириш бериб ўтишга мажбурман. Биз Халқаро валюта жамғармаси низомининг жорий конвертацияни, яъни фақат асосан савдо операцияларига тегишли конвертацияни амалга ошириш мажбурияти юкланадиган 8-моддасини имзолаганимиз йўқ. МДҲдаги биронта мамлакат ҳозирча бундай конвертацияни амалга оширмаяпти. Россиянинг 8-моддага қўшилиши ҳақида яқинда берган баёноти ҳозирча кўриб чиқилгани йўқ. Биз ҳам Халқаро валюта жамғармасининг асосий шарти: мамлакат импортининг камида уч ойлик резервини таъминлай оладиган олтин заҳирасига эга бўлганимиз учун бу моддага аллақачон қўшилишимиз мумкин эди. Бироқ биз бундай қилмаяпмиз. Шунинг учун ҳам бизга бу борада бўлаётган барча даъволар ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай асосга эга эмас.

Нима бўляпти? Ўтган йили Узбекистон озиқ-овқат ҳамда кенг истеъмол моллари олиб келишнинг ўзига 800 миллион доллар сарфлади. Биз дарвозаларимизни кенг очиб қўйганимиз учун, айтайлик, Ғарб бозорида ўтмаётган барча нарса бизнинг бозоримизга келиб тўша бошлади. Хорижга эмин-эркин бориб келаётган олибсотарлар, воситачи ташкилотлар қайсидир бир араб мамлакатида, Покистонда, Туркияда шартнома тузади, бизга мол олиб келади, уни сотганидан тушган маблағни конвертацияга тақдим этади. Мана шу маблағ ўтган йили 800 миллион долларни ташкил этган эди. Бу йилнинг ўзида 750 миллион долларлик мол олиб келинди. Шуни ҳам айтиш лозимки, бу воситачилар ҳукуматдан, Марказий банклан ёки тижорат банкларидан майли, молларни олиб келаверинглар, бу пулларингизни алмаштириб берамиз, деган кафолат олган эмас.

Мен бундан иккита хулоса чиқараман: биринчидан, биз сифатсиз, ўзимизга керакли бўлмаган товар ишлаб чиқарувчи бегоналарни иш билан таъминлаяпмиз. Иккинчидан эса, мана шу маҳсулотнинг ўзини анчагина яхши тайёрлашга қобил бўлган ўзимизнинг корхоналаримизга жуда катта зарар етказяпмиз. Чунки ўзимизлаги хомашё анча сифатли экани барчага маълум. Мана, макаронни олиб қарайлик: Узбекистонга макароннинг 8 хили, вермишелнинг эса 12 хили ташқаридан келтирилмоқда. Помидор-чи... Энг яхши помидор Узбекистонда етиштирилади. Биз – оми одамлар, уни уч литрлик банкаларда хорижга экспорт қиламиз, улар эса шу маҳсулотнинг ўзини чиройли ёрлиқ ёпиштирилган чиройли шишаларга жойлаштириб, ўзимизга қайтаради. Шу тариқа юз миллионлаб доллар фойда олинади. Биз – ношудлар, шуни ўзимиз қилишимиз мумкин эмасмиди?

Бу бизнинг иқтисодиётимиз манфаатларига, унинг Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки қўллаб-қувватлаётган тузилма жиҳатидан қайта қурилишга мос келадими? Биз ҳар доим хомашё базаси бўлиб келган эдик, Россиядан ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган энг жўн нарсалар олиб келинарди, ҳозир ҳам шу аҳволда қоляпмиз. Бироқ ҳозир бу... кечирасиз... номаъқулчилик Россиядан эмас, бошқа мамлакатлардан олиб келинмоқда. Биз бунинг учун уша устомонларга доллар беришимиз, олтин билан пахтамизни жаҳон бозорида сотиб, пулини вермишел ҳамда чиройли ёрлиқ учун сарф қилишимиз керакми? Ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай мамлакат ўз ишлаб чиқарувчиларини бундай қаллобликдан ҳимоя қилиши шарт.

Мабодо, айтайлик, «Файнэншл таймс»да кимнингдир манфаатларига хизмат қиладиган ҳамда Узбекистон конвертация масаласида қандайдир қийинчиликларга дуч келиб қолди, деган афсона тарқатувчи мақола чиқса, бунга ишонманг. Мен сизга рақамларни келтирдим. Энг тўғри маълумот шундан иборатки, биз йўналишларни бироз ўзгартирямиз. Биз валютани ишлаб чиқариш ва технология билан шуғулланаётган фирма ва қўшма корхоналаргагина конвертация қилмоқчимиз. Мен бугун масъулиятни зиммамга олган ҳолда шуни айтаманки, бундай компанияларнинг биронтаси ҳам жабр кўрмайди: биз буни назорат қиладиган тегишли тузилмаларни барпо этганмиз.

САЛОБАТ УЧУН ТАРВУЗ ЕЙИЛАРКАН

– Сиз Узбекистонда мустақил матбуот зарурлиги тўғрисида кўп гапирасиз. Лекин Самарқандда республикадаги ягона мустақил телевидение студияси ҳеч қандай сабабсиз Россия телевидениесининг ТВ-6 дастурини Узбекистонга ретрансляция қилиш учун белгиланган каналдан фойдаланиш борасида Алоқа вазирлигининг тақиқига дуч келди. Матбуот ўзининг мустақил мақомини сақлаб қолиши учун давлат билан матбуотнинг ўзаро муносабатлар тизимини қандай қилиб тартибга солиш мумкин?

– Бунинг бирдан-бир йўли – зиммасига ортиқча масъулият олаётган Алоқа вазирлиги каби бирор-бир орган матбуотнинг ҳуқуқларини чеклай ёки тақиқлай олмаслиги белгилаб қўйиладиган қонунни тезроқ қабул қилишдир. Бундай қонун ҳаддан ташқари узун, тақиқловчи қўлларни чўзган учун жазо чораларини қўллашга имконият беради. Ана ўшанда ҳеч ким матбуотни жиловлашга уринмайди.

Алоқа вазирлигига келганда эса, у бу борада ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас, у ҳатто мафкуравий орган ҳам эмас, бинобарин ТВ-6 зарарли ёки зарарли эмаслигини фарқлай ҳам олмайди.

Мен зимдан кураш бормоқда деган бўлардим. Кимдир кимгадир бирон нарсани бермаган, қандайдир манфаатлар тўқнаш келиб қолган... Мен бугуноқ бу масалани текшириш тўғрисида топшириқ бераман. Мени айнан ТВ-6 тақиқлаб қўйилгани эмас, балки шу можаронинг ўзи ташвишлантиради: эҳтимол, Алоқа вазирлиги эртага «Вести» кўрсатуви ёки бошқа бирор телевидениени ёқтирмай қолар. Мен ҳозир Россия НТВ кўрсатувларини бажонидил томоша қилган бўлардим. Москвада бўлган вақтимда бу ҳақда кўп нарса эшитаман ва кўраман, лекин уни республикамизда нега кўрмаяпмиз, мен буни ҳатто тушуна олмайман...

– Узбекистондаги мансабдорлар журналистларнинг саволларига қачон қўрқмай жавоб берадиган бўлишади?

– Қизиқ савол... Бизда мансабдорлар лавозими ўзидан юқори амалдордан қўрқадиган бўлиб қолган. Бундай мансабдор матбуот ўзи учун хавфли экани ҳақида ҳеч қачон ўйламайди. Ўртамиёна раҳбарлар газеталар, телевидение, ўзлари учун прокуратурадан ҳам жиддийроқ хавф эканини ҳеч қачон ҳаёлига келтирмайди. Матбуот бирор ерда мансабдор ўғрилик ёки ғайриқонуний иш қилганини маълум қилса, одамлар дарҳол бундан хабар топади...

Иккинчи томондан биз мансабдорлар, ниҳоят, матбуот билан ишлашни ўрганишларини талаб қиламиз. Уларни матбуот билан ишлашга ўргатишмаган. Дарвоқе, менга ҳам буни ҳеч ким ўргатмаган.

– Узбекистонда Сиздан юқори турадиган мансабдор йўқ. Сиз фақат ўз виждонингиз олдида масъулсиз, бошқа мансабдорлар устида эса яна кимдир бор, у шундан қўрқади...

– Бу – кўпгина сабаблардан бири. Лекин менимча, бошқа сабаб муҳимроқ: улар бу ишга қўникишмаган, бу уларни осойишта турмушдан маҳрум қилади. Бундай ташвишни ким ҳам хоҳлайди, дейсиз? Унинг олдига бориб, нега бундай хунук ишлар бўляпти, бунда сизнинг қай даражада айбингиз бор, деб сўрайсиз. У эса, пешонасини тириштириб, ўйлашга мажбур бўлади. Бирдан қош қўяман деб, кўз чиқариб қўймасам эди, деб ўйлайди. Петр I айтганидек, ўзининг ахмоқлигини кўрсатиб қўйишдан қўрқади... Мансабдор саволларни олдиндан олади, унга жавоб ёзади, сўнгра бировга грамматик хатоларини тўғрилатади, шундан кейингина газетага жўнатади. Биз шунга ўрганиб қолганмиз.

Шу сабабли сизнинг фикрингиз тўғри, лекин менинг фикрим ундан ҳам тўғрироқ: энди одамларни лақиллатиб бўлмайди. Улар энди юқори лавозимли мансабдордан қўрқмайди. Биз бундай даврдан ўтдик. Хоҳлаган гапингизни гапираверинг. Мен қаерда нутқ сўзласам, ўша ерда, пировард натижада бизнинг тақдиримизни вазирлар ҳал қилмайди, сиз учун мен жавоб бераман. Бирорта гапингиз сизга зарар етказмаслигига мен кафолат бера оламан, дейман. Одамлар истаган гапини гапираверсин. Балки, сизнинг ҳозир эркин гапиришингиз ҳам бизнинг эркинлик ва демократия йўлидан ҳаракат қилаётганимизнинг бир белгисидир...

Олдинги саволлар билан мутлақо боғлиқ бўлмаган бошқа масалани ўртага қўймоқчиман. Бизнинг вазирларимиз катта теннис билан шуғулланади, деб ким ўйлаган эди? Қоматлари унча келишмаган, баъзилари қорин қўйган. Бу одамлар ҳозир шўрти, кроссовка, ўзларига унча ярашмайдиган яхши формани кийиб, зўр қизиқиш билан теннис ўйнашяпти. Буни тушуниш учун бизнинг анъаналаримизни билиш лозим. Гапимга ишонаверинг. Бу – бомбанинг ўзи. Вилоят раҳбари калта шўрти кийиб теннис майдонига чиқади. Бир вақтлар одамлар салобатли кўриниши, қорни чиқиб туриши учун атайлаб тарвуз еган. Ҳозир биз бундай эски ақидаларни унутяпмиз.

– Россияда Президент Ельцин теннис ўйнай бошлагач, вазирлар ҳам қўлига ракетка олишди. Сиз ўзингиз теннис ўйнайсизми?

– Албатта.

– Бу ердаги раҳбарлар ҳам Сиздан кейин қўлига ракетка олишгандир?

– Бунга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен Қашқадарёда ишлаган пайтимда бўғинларимда туз йиғилиб, қўлоёқларим оғрий бошлади. Зинадан зўрга тушадиган бўлиб қолдим. Вазним орта бошлади. Ахир мен илгари баскетбол ўйнардим, қўл жанги билан шуғулланардим. Ҳозир менинг ёшимда шу ишлар билан шуғулланса бўладими? Бир куни теннис ўйнамоқчи бўлдим ва бу ўйинга берилиб кетдим. Сариқ копток югуришга, сакрашга мажбур қилади. Бундан ташқари, теннис кишини ўйлашга ҳам мажбур қилади. Буни теннис ўйнаган одамгина билади...

Тошкент — Москва. («Новое время» журналининг 1996 йил 45-сонидан олинди).

Муносабат

Бардавомлик

Буюк бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девонул — луғотит турк» асари бор. Мазкур асарда олим туркий сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлашда халқ ичида кенг тарқалган қўшиқлардан мисоллар келтиради.

Масалан,
Чағри бериб қушлату,
Тойғон изиб, тишлату,
Тулки, тўнғиз тошлату,
Ардам била ўклалим.
Яна
Ёй қиш била қаришти,
Ардам ёсин қуришти,
Черик тутиб қуришти,
Ўқтағали ўтрушур.

Бу қўшиқларни ўқиган қадимият алломалари дарж этишадики, ўз туйғуларини қўшиқ орқали ифода қилишда туркий қавмларнинг олдига тушадигани йўқ. Яна ёзишадики, шу «қошуг»ларда (Қошғарий таъбири) халқнинг қалби аниқ-тиниқ зуҳур этиб туради.

Бу — аёни ҳақиқат. Ва ушбу ҳақиқат «Узбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқ кўрик-танловида ўз исботини топди. Халқ ўзининг азалий орзуси — армони бўлмиш Мустақилликни оҳангга солди. Том маънодаги Ватан ҳақида жўшиб куйлади. Узлигини авж пардаларга солди. Қарангки, шеър-да, оҳанг-да, қўшиқ-да — кўнгил мулки (кўнгилдан чиқмаса не қиммати бор). Демакки, Мустақиллик кўнгил мулкига айланибди. Ватану ўзлигимиз қалбларга инибди. Бизнинг ютуғимиз ҳам асли шунда. Йўлимизнинг равшанлиги боиси ҳам — шу.

Ушбу кўрик-танлов Узбекистон халқининг кўнглини кўз-кўз этди. Бинобарин, азалдан қонимизда бор туйғулар суяк сурди.

Яқинда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси анъанавий қўшиқ байрами ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланганидек, «Узбекистон — Ватаним маним» гоясини мадҳ этувчи, бунёдкор, меҳнаткаш халқимизни улуғловчи, инсонлар қалбида муқаддас ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш туйғуларини тарбияловчи мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг чек-чегараси бўлмайди. Улар ҳар сония, ҳар дақиқа қалбимиздан отилиб чиқиб, юртимиз осмонини нурафшон этиб тураверади.

Дарвоқе, башариятда ҳеч бир нарса ўз-ўзидан тасодифан содир бўлмайди. Ҳар унсурнинг ўз заминию илк манбаси мавжуд. Бинобарин, ушбу қарорнинг илдизлари ҳам биз юқорида таъкидлаб ўтган мозийга, миллатимизнинг азалий илдизларига бориб тақалади. Бу кун ўша туйғулар юз кўрсатаяпти. Ўзлигимизни кўтарувчи бундай юз кўрсатишлар ҳали бардавом.

Асқар МУХТОР.



АСЛО НОТЎҒРИ ТУШУНМАНГ

Сигарет чекканингизда фаолроқ фикрлай бошлашингиз никотиннинг ақлни пешлашидан бўлмайди. АҚШнинг Хьюстон медицина коллежида бу жараённи илмий урганиб чиқдилар: никотин миянинг хотира билан боғлиқ гиппокама қисмидаги нейронларнинг ахборот узатишини мажбуран тезлаштирар ва фақат шу жараёнгина хотирани бузилишдан сақлар экан.

ЎЗИГА ХОС ХУЛОСА

Гарвард университетида 86 минг ҳамширанинг сўнгги 20 йил ичида тузилган касаллик тарихини урганиб бордилар ва уларни ҳар икки йилда текширувдан ўтказдилар. Натижада маълум бўлишича, 1980-90 йилларда 56 ҳамшира ҳаётига қасд қилган, қизиғи шуки, кунига икки пиёла кофе ичганларнинг «видолашув» аҳволига тушиш имконияти 30 фоиздан ошмаган.

ХАЙРЛИ ИШГА ҲАМКОРЛАР

Лондон иқтисодиёт мактабида юзинчи марта иқтисодий ислоҳот ўтказилаётган мамлакатларнинг талабаларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Иқтисодий соҳаларни бошқара олувчи мутахассисларни етказиб бериш мақсадини амалга оширишда ташкилотчилар сармоядорларга катта умид боғламоқдалар.

Акселс тадбири

МАТБУОТ БОРАСИДА ҲАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Кеча Тошкентдаги «Интер—Континентал» меҳмонхонасининг мажлислар залида АКСЕЛС ташкилоти уюштирган, АҚШ ахборот агентлиги ҳомийлигида «Оммавий ахборот воситаларида воқеликнинг акси ва унинг Марказий Осиёда миллийлик ва миллий маданиятга таъсири» мавзусидаги икки кунлик конференция бошланди.

Конференциянинг биринчи бўлими «Ахборот воситаси нима? Унинг қоида ва мажбуриятлари» мавзусида бўлиб ўтди. Унда «Ҳукумат — ахборот воситалари муносабатлари» бўйича Даг Райн маъруза қилди. Шунингдек, жаноб Антони Сарити, АҚШдаги Ҳорвард рус илмий марказидан доктор Жеймс Критчков, Вашингтон университетининг тадқиқотчиси Кет Петерсонлар маърузалари тингланди, баҳслар бўлди.

Дарвоқе очилиш маросимида АКСЕЛСнинг Узбекистондаги директори Иброҳим Юксел, АҚШнинг Узбекистондаги элчиси Стенли Эскудеро, Дастурнинг катта бошқарувчиси Лоурен Кларк (Вашингтон) сўзга чиқишиб конференция ишига омад тилашди. Узбекистон Республикаси Матбуотни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармаси ҳамраиси Аҳмаджон Мелибоев матбуотни демократлаштиришда ҳукуматнинг эътибори, журналистлар олдида турган вазифалар ҳақида мазмунли маъруза қилди.

Бугун конференция ўз ишини давом эттиради.

МУХБИРИМИЗ.

Янги нашрлар

МАОРИФЧИЛАР НИМАЛАРНИ БИЛИШЛАРИ КЕРАК?

Яқинда «Шарқ» нашриёти матбаа-концерни Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қаламига мансуб «Таълимимиз истиқлоли йўлида» номли рисолани чоп этди. Китоб республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган-дир. Нашрлар томонидан ёзилган кичкинагина шарҳ китобнинг мазмун моҳиятини очиб беради: «Ушбу рисолада мамлакатимиз таълимининг ўтмиши, ҳозирги олиб борилаётган ислоҳотлар, педагогика фани, унинг келажаги, мактабшуносликнинг тараққиёти ҳақида мулоҳазалар юритилади».

Рисола муқаддимасида Узбекистоннинг мустақилликка эришгани унинг барча қийинчиликларни муваффақиятли енгиб утгани ва тараққиётнинг равон йўлига тушиб олганлиги алоҳида таъкидлангач, таълимнинг ривожи учун республикамиз раҳбарияти ишлар истиқболи билан боғлиқ, хусусан уларнинг тўлақонли таълим олишига энг устивор соҳалардан бири сифатида қараётгани таъкидланади.

«Маълумки, мустақиллигимиз даврида кўп нарса - энг асосийси, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий негизи тубдан ўзгаради.

Бу ўзгаришлар Президент И. А. Каримов томонидан белгилаб берилган беш асосий тамойил асосида рўй берди. Бугун танлаб олинган бу йўлнинг нақадар тўғри эканлигини бутун жаҳон - ҳатто энг ашаддий мухолифларимиз ҳам тўла эътироф этмоқдалар.

Жамият ижтимоий ҳаётининг муҳим таркибий қисми сифатида таълим ҳам ўзгармоғи, янгиланган жамиятнинг манфаатлари йўлида хизмат қилмоғи керак. Зотан, мактаб ва жамият ажралмасдир.

Жамиятнинг мавжудлиги, мактабнинг ҳам мавжудлигидир».

Рисолада юқорида таъкидланган мавзулар алоҳида бобларда ёзилган. Масалан, «Истиқлол ва миллий тарбиянушослик тарихи» бобида Марказий Осиё маърифатида ўз изини қолдирган «Авесто» китобидаги ўгитлар моҳиятидан бошланиб, Мирзо Улуғбек замонаси, жадидчилик намояндаларининг маърифапарварлик давригача зарур маълумотлар берилган.

Навбатдаги «Истиқлол ва янгиланган педагогик қарашлар» бобида эса янгиланган педагогик фикр, миллий таълим муаммолари, истиқлол мафкураси ва таълимда бу борада олиб борилаётган, олиб бориш лозим булган жиҳатлар кўрсатилган. Мактабгача таълим- тарбиянинг бугунги аҳволи, келгусидаги вазифалар, умумий таълим, шунингдек, мактабдан ташқари таълим-тарбия борасида олиб борилган ишлар, ютуқлар санаб утилган. Истиқлолга эришгач, барча таълим бўғинлари қатори ҳунар-техника таълими тубдан ўзгарди ва бу янгиланишлар яхши самаралар бермоқдалар. Ўрта махсус таълим бўйича ҳам, олий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ҳам ёзилган далил ва фикрлар тўғрисида ҳам ана шундай тўхтамга келиш мумкин.

Рисоланинг «Истиқлол тарбияшунослигининг амалий қирралари» бобида ҳам халқ таълими раҳбарияти учун фойдали таҳлилий материаллар урин олган. Жумладан, «Иш билганга эл эргашар ёхуд директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай» бўлимида бошқарувдаги бугунги энг долзарб мавзу кўтарилган. Буни ўқиган, айниқса ёш директорлар ўз ишларининг ривожи учун асқотадиган йўналишларни оладилар.

Хулоса шулки, китобдаги мавзуларга қанча кўп тўхталсак ҳам унинг барча қирраларини курсата олмаймиз. Негаки, у катта информация манбаига эга. Ҳар бир халқ таълими ходими уни ўқиши, ўқиши ва ўз фаолиятида фойдаланиши маорифимиз ишига фақат унум беради. Қолаверса, таълим тизимидаги раҳбарлар учун у ўзига хос йўл кўрсаткич вазифасини ҳам утайди. Китоб 25000 нусхада чоп этилган.

Қуйида мазкур рисоладаги кичик парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Асқар ШОКИР.

КИЧКИНТОЙЛАР

1993-1994 ўқув йилидан бошлаб, барча мактабгача тарбия муассасалари янги таълим-тарбия дастурига ўтдилар. Бу дастурлар асосида болаларга билим ва қўникмалар ўйин мажмуаси машғулотлари орқали сингдирилмоқда. Жумҳуриятимизнинг бир қатор мактабгача тарбия муассасалари синов майдонларига айлантирилди ва уларга кўзга кўринган олимлар раҳбар қилиб тайинланди.

Янги ўқув йили олдидан Тошкент шаҳридаги тажриба майдонига айлантирилган 462-болалар боғчасининг 4 ёшдан инглиз тилига ўргатиш иш тажрибаси маъқулланиб, оммалаштириш ҳақида вазирлик томонидан буйруқ қабул қилинди. Бу буйруққа асосан бугунги кунда 200 дан ортиқ мактабгача тарбия муассасаларида болаларга инглиз, хитой, араб,олмон, форс, фаранг тиллари ўргатилмоқда. Халқ таълими вазирлиги Давлатспорт қўмитаси билан ҳамкорликда «Болаларни соғломлаштириш» дастурини чоп эттирди.

Таълим-тарбия жараёнига аста-секин компьютерлар кириб келмоқда. Ҳозирда Тошкент шаҳрида, Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё вилоят мактабгача тарбия муассасаларида бу борада изланиш ишлари давом эттирилмоқда, буларга вазирлик томонидан дастур, қўлланмалар етказиб бериш борасида иш олиб борилмоқда.

Болаларни боғчаларга кўпроқ қамраб олиш мақсадида ноанъанавий мактабгача тарбия муассасалари тармоғи кенгаймоқда.

Республика бўйича хонадон боғчалар сони 2 мингга етиб, 15 мингдан ортиқ болани ўз бағрига олди. Шу билан бир қаторда 11 та «Мактаб-боғча» комплекси ишлаб турибди. Самарқанд вилояти ўқувчилар саройи қошидаги болаларни илк ёшдан ривожлантириш марказининг иши диққатга сазовордир.

Бу марказда кичкинтойларга чет тили, эстетик ва экологик тарбия, қўл меҳнати сирлари муаллифлик дастурлари асосида ўргатиб борилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ноанъанавий гуруҳларидаги ишлар ота-оналар томонидан маъқулланиб, уни давом эттириш ва ривожлантириш масаласи қўйилди. Утган ўқув йилида 3 та гимназия синфи шу сарой қошида ишлади. Ҳозирда бу иш тажрибасини оммалаштириш кўзда тутилмоқда.

Тарбиячи касбининг обрусини, тарбиячиларнинг педагогик маҳоратини ошириш, илғор иш тажрибасига эга мактабгача тарбия ходимларини аниқлаш, уларнинг ишларини оммалаштириш мақсадида республикамизда «Йил тарбиячиси» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Вазирликнинг бу ташаббуси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Узбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси, маҳаллий саноат давлат корпорацияси, республика хотин-қизлар қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Шу билан биргаликда, республика мактабгача тарбия муассасаларининг «Соғлом авлод учун» кўрик-танловини уюштириш ҳам режалаштирилган.

Болалар боғчаларидаги ўқув-тарбия ишларининг самараси тарбиячининг маҳорати, назорат-услубий тайёргарлигига боғлиқ. Шу боис бугунги к



КЎРИК- ТАНЛОВ МАЛИКАСИ

ёхуд «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида»

Дунёда гўзаллик бор экан, демак ҳаёт бардавом. Дунёда она алласи қизларнинг азалий нафосатию бетакрор ибоси мудом мавжуд экан, олам файзиеб. Юракнинг тубтубидан сизиб чиқаётган бу бокира туйғулар куни кеча Республика Таълим марказида бўлиб ўтган Республика ўрта педагогика ўқув юртлари талаба-қизларининг «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида» мавзусидаги кўрик-танловни томоша қилар эканман, бир баҳя руҳимда меҳмон бўлдим.

Дарвоқе, Республика ўрта педагогика ўқув юртларида халқ педагогикасини, миллий-маънавий қадриятларини, педагогик амалиётда оилавий тарбия муаммоларини ўрганиш, ҳозирги кунда таълим-тарбия назарияси ва тажрибасини билиш каби зарурий билимларга эга бўлиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган мазкур Республика кўрик-танлови икки босқичда бўлиб ўтди.

Беллашувнинг биринчи босқичида республикамизнинг барча вилоят педагогика ўқув юртларидан 36 нафар талаба -қиз иштирок этиб, компьютерда барча соҳалар бўйича тест синовлари топширишди. Кўрик-танловда мутлақ ғолиблик учун астойдил курашаётган талабақизларнинг 10 нафаргинаси мусобақанинг биринчи дарвозасидан муваффақиятли ўтишди.

Беллашувнинг 2-босқичида ҳар бир қатнашчи учун мавзули лавҳалар берилди. Улар лавҳаларни кўриб таҳлил қилиб бердилар.

Ҳал қилувчи ушбу довонда қизлар бисотидаги бор «ҳунари»ни саҳнага сочиб ташлади. Танловнинг «Узимизни қаерда қандай тутишимиз керак?», «Меҳмон ва мезбон бўлиш одоби», «Янги турмуш, янги анъаналар», «Келин-куёв муносабати», «Ёш оиланинг хусусиятлари», «Эр-хотин одоби» сингари мавзуларда илмни қилич, маърифатни қалқон қилиб саҳнага чиққан қизлар тимсолида Ойбарчину Зебуннисоларни кўргандек бўлдим. Саҳнада бир нафас гўзаллик ҳукмронлик қилди. Бу гўзалликдан оқиб тушган ҳаяжонлар зални ғарқ этди.

Дарҳақиқат, ҳар бир нарсанинг чеки-чегараси бор. Бундан вақт мустасно. Назаримда вақт биз таъкидлаган «ҳар бир нарсани» ўзига тегишли бекатида ташлаб кетади. Бинобарин, кўрик-танлов ҳам ўз манзилига етиб келди. Танловнинг ушбу нуқтасида ҳакамлар ҳайъати натижа билан таништиришди. Маълум бўлишича, барча шартлардан муваффақиятли ўтган Алишер Навоий номидаги Хива педагогика билим юрти мактабгача тарбия бўлимининг IV курс талабаси Озодахон Саидова мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, «Етук мутахассис ва кўрик-танлов маликаси» 1 даражали дипломга сазовар бўлди. Шунингдек мусобақада иккинчи, учинчи ўринни эгалланган Тошкент педагогика билим юрти талабаси Муаттар Исмоилова, Бухоро педагогика билим юрти талабаси Инобат Раҳматуллаевалар ҳам эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Беллашув сўнгида бевосита ушбу тадбирни ташкил этишдаги фаоллардан бири Гулсара Сафоевадан мусобақа хусусида икки оғиз фикр сўрадик.

— Ушбу кўрик- танлов бизнинг илк тажрибамиз бўлди. Бу хил мусобақаларни Республикамиз миқёсида ҳар йили ўтказиб туришни кўзда тутганмиз. Менимча мусобақа кишини ўқишга, интилишга, дунёқарашини кенгайтиришга ундайди. Шундай экан бу маънодаги тадбирлар маънавиятнинг юксалиш мезони бўлиши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат бизнингча ҳам худди шундай.

Лукмон БЎРИХОН.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

МАКТАБДА ҚУШАЛОҚ ТАНТАНА

(Боши 1-бетда)

линган. Ўрни келганда айтиб ўтиш керак, бу даргоҳдан кўплаб эл корига яровчи кишилар етишиб чиққан. Академик Т. Долимов, УзФА вице-президенти М. Комилов, ТошДТД проректори Г. Мирсаидов ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу номлар орасида Зокировлар оиласини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Чунки Фаррух Зокиров ҳам, Равшан Зокиров ҳам шу мактабнинг ўқувчилари бўлишган. Қисқаси барча битирувчилар ҳам доимо мактаб билан алоқада.

Мактаб директори Маъмура опа Ёрмуҳамедова биз билан суҳбатда мактабнинг ҳозирги аҳволи ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

— Шу кунларда мактабимизда 1200га яқин ўқувчига 80 нафар муаллим таълим бермоқда. Ўқувчиларни ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишиши учун мактаб жамоаси бир қанча ижобий ишлар қилишмоқда. Ана шулардан бири Техника университети билан ҳамкорликда очилган лицейдир. Физика, математика, информатика каби фанлардан иқтидорли йигит-қизларни танлов асосида қабул қилиб, малакали мутахассислар дарс беришмоқда. Бундан ташқари бошланғич синфларда ҳам амалий безак санъати синфи очганмиз. Унда нақкошлик, хаттотлик, ганчкорлик, кулолчилик каби миллий санъатимиз, хунармандчилигимиз сирлари ўргатилмоқда. Бу ишларнинг бошида мактабимиз муаллими, халқ таълими фидойиси Ҳусанбой Алимжонов бош-қош бўлмоқда.

Бизга маълумки, шоҳмот ўйини инсон ақлини пешлайди. Шу маънода мактабимиз тарбияланувчиларига шоҳмотни дарс сифатида ўқитяпмиз.

Мактабда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Бунда бизга милиция ходими Шуҳрат Обидов ўз ёрдамини аямаяпти. Бундан ташқари Ботир Зокиров музейини ташкил қилиш ва уни жиҳозлаш режамиз ҳам бор.

***

Мактаб собиқ талабаларига мурожаатнома қабул қилган экан. Унда қуйидаги сўзларни ҳам ўқидик: *«46-мактаб ўзининг собиқ битирувчилари билан ҳақли равишда фахрланади».* Шу боис мактабни битириб кетган собиқ ўқувчиларнинг қадрдон масканлари ҳақидаги дил сўзларини билмоқчи бўлдим.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти М.КОМИЛОВ:

— Мен мактабни 1954 йили тамомлаганман. Биз ўқиган даврўруш ва урушдан кейинги йилларга тўғри келган. Шу сабабли муаллимларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам қалбида Ватан туйғуси юқори эди. Мактабнинг бугунги 70 йиллик тўйи арафасида математика фани ўқитувчимиз Василий Петрович, тарих фани муаллими Ҳатира Каримовна каби устозларимизни ҳурмат билан эсга оламан. Гарчи ҳозирги муаллимларнинг ёши, билими бизга нисбатан кам бўлса ҳам барибир мен уларни ўзимнинг устозим деб биламан. Чунки бу мактабда менинг болаларим бор.

Академик Т. ДОЛИМОВ:

— Ушбу мактабни 1955 йили кумуш медаль билан тамомлаганман. Мен баъзан ўйланиб қоламан. Нима учун айнан шу мактабда таълим олган ўқувчиларнинг кўпчилиги етук инсонлар бўлиб етишилди. Ана шу масалага тўхталмоқчиман. Энг асосийси, муаллимлар фидойи эди. Ўз ўқувчиларини ўз фарзандларидек кўришар, шу сабаб бизни ҳам уларга нисбатан меҳримиз ўзгача эди. Мактаб рус эрлар мактаби деб аталса-да, ўқувчиларнинг 90 фоиз қисми маҳаллий йигитлар эди. Ўқувчилар ҳам, муаллимлар ҳам кўпмиллатли эди. Мисол учун ўқитувчилардан Маркс Амоливич, Карим Тулаганович, Юлий Земивичларни бунга мисол қилиб кўрсатишим мумкин. Ана шу ўқитувчилар бизларни ўзларига эргаштира олдилар. Кўпчилигимиз илм йўлини танладик. Албатта, шахсан ўзим ҳам шу кунларимнинг илк иллизлари ушбу мактаб остонасида деб ўйлайман.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

«ТОПИБ БЕР, ДЕБ ОЙГА ЁЛВОРДИМ»

Ўзбек мусиқа санъати улкан дарёлар, йирик ирмоқлар мудом оқиб турадиган баҳайбат ва гўзал уммонга ўхшайди. Бу барҳаёт мусиқа уммони бағрига ҳар бир машҳур санъаткор (фақат ва албатта, санъаткор) ўзининг бетакрор наволари, ҳеч кимга ўхшамаган сеҳрли овози, теран оҳанглари билан етиб бориши мумкин. Афсуски, бу бебаҳо уммонга етиб бориш ҳамма ҳофизу хонандаларга ҳам насиб этавермайди...

Мусиқа уммонимизнинг янада юксалишига, янада жозибадор бўлишига, жаҳон саҳналарида мардонавор янграшига катта ҳисса қўшган улкан санъаткорлардан бири, ўзбек эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров эди.

Ҳамиша биринчиларга қийин бўлган. Ботир Зокиров санъатда анча мураккаб, ҳали халқимизга нотаниш бўлган эстрада жанри йўлини танлади. Бу йўл ниҳоятда машаққатли, оғир ва тўсиқлари кўп эканлигини у яхши биларди. Унинг ҳаёт ва ижод йўли силлиқ кечмади. Ёшлигидан оғир хасталикка чалинди. Лекин у танасидаги дардни дардли қўшиқлар билан енгди, бетакрор рангларга ошно бўлиб, дардли манзаралар яратди, ўзига хос ҳикоялар ёзди, таржима билан шуғулланди.

Уларнинг барчасида муваффақият қозониш хаста санъаткор учун жуда қийин ва оғир эди. Мустаҳкам ирода эгаси, ақл ва талантини юксак маданият билан уйғунлаштира олган жасоратли инсон Ботир Зокиров ўзбек мусиқа санъатида ўзининг муборак ва қутлуғ изларини қолдиришга улгурди.

У сиёсий қўшиқлар, собиқ Шуро тузумини мадҳ этувчи ашулалар айтмади. Кўпроқ муҳаббат ҳақида, дард ҳақида қўйлади.

Катта қалб, ёниқ эҳтирос ва дилбар овози билан муҳаббат осмонида ўз юлдузларининг порлоқ сурватларини чизиб кетди у. Бу жозибадор юлдузлар ҳамон унинг минглаб мухлислари кўксида чарақлаб нур сочиб турибди. Ва мухлислар ҳам соғинч, армон билан унга жўр бўладилар:

Сени излаб қирғоққа бордим,

Топиб бер, деб ойга ёлвордим...

Ботир Зокиров ҳаёт бўлганида бу йил 60 ёшга тўларди. Афсуски, ҳамиша улим ҳақ бўлиб чиқади. Гарчи Ботир Зокиров 49 ёшида ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, унинг ўйли ва дардли овозини ҳар гал эшиттанингда гўё руҳингга янги жозиба, янги оҳанг ташриф буюради. Ҳали бу барҳаёт қўшиқлар қанча-қанча авлодлар қалбида ўз юлдузларини чизишига асло-асло шубҳа йўқ...

Тошкент шаҳрида Ботир Зокиров номидаги 46-ўрта мактаб ўзининг 70 йиллигини нишонлаяпти. Бу мактабда таълим олаётган ва битириб чиқаётган ўқувчиларнинг келажакда Ботир Зокировдай ажойиб инсон, жасоратли, маданиятли, маърифатли, энг муҳими ўз халқи, ўз миллати учун ҳақиқий фидойилар бўлиб етишишларини истардик. Мустақил юртимизга ана шундай фарзандлар керак.

Ашурали ЖЎРАЕВ.

Марказий Осиё халқлари маданияти

«АЙНАЛАЙИН» МЕН ЎЗИМ

Қозоғистон республикаси «Бобек» номидаги болалар жамғармасининг таклифига биноан шу йилнинг 30 октябрь — 4 ноябрь кунлари Тўйчи Иноғомов номидаги доирачилар дастасининг бир гуруҳ аъзолари Алмати шаҳрида ўтказилган «Айналайин» биринчи Халқаро болалар ижодий фестивалида иштирок этдилар. Фестивалда Марказий Осиё ва хорижий давлатлардан ҳамда Қозоғистон республикаси вилоятларидан келган 29 та болалар ашула ва рақс дасталари ўзларининг миллий халқ санъати дурдоналарини намойиш этдилар. Анжуманда 20 га яқин хорижий ва Марказий Осиё давлатларидан вакиллар қатнашдилар.

Ушбу фестивалга 29 та ташкилот, муассаса, фирма, хусусий корхона, миллий халқ банклари ҳомийлик қилдилар. Шу жумладан Алматидаги «Гиацинт» сайёҳлар фирмаси ўзбекистонлик ёш ижодкорларга ҳомийлик қилди. Улар фестивал бошланишидан токи тугагунча гуруҳ аъзоларининг овқатланиши, жойлаштирилиши, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун яқиндан ёрдам бердилар. Иштирокчилар бир ҳафта давомида «Алмати» меҳмонхонасида истиқомат қилдилар ва унинг қошидаги ресторанда овқатландилар.

Фестивал кунлари даста аъзолари Алмати шаҳридаги мавжуд миллий-маданий марказлар, халқ чолғу асбоблари музейида, Алмати шаҳридаги энг йирик концерт залида, Қозоғистон Республикаси ўқувчилар саройида ўз концерт дастурларини намойиш этдилар.

Барча анжуман иштирокчилари учун дўстлик кечаси уюштирилди. Унда ҳар бир давлат вакили ўзининг республикаси, давлати, унинг анъаналари, санъати ва маданияти ҳақида сўзлаб берди. Ушбу кечада клуб томонидан «Менинг Ватаним» мавзуида сиртқи «Ўйинсаёҳат» ташкил этилиб, бу саёҳатда ҳар бир иштирокчи ўз республикасининг рамзлари, энг машҳур давлат, санъат, маданият ва фан арбоблари, миллий халқ ўйинлари, қўшиқлари, рақсларини кўрсатиб берди.

Анжуман якунида иштирокчиларга ташкилий қўмита томонидан фахрий Ёрлиқ ва дипломлар, қимматбаҳо совғалар топширилди. Фестивал ташкилий қўмитаси раиси Сора Назарбаева ёпилиш маросимини якунлар экан, узбекистонлик анжуман иштирокчиларига ўзининг шахсий миннатдорчилигини изҳор этди ва мана шундай доира усулларининг жаҳон узра янграшига умид билдирди.

Тоира СУЛТОНОВА Маънавият ва кўшимча таълим бошқармаси бошлиғи муовини.

Она тили — жону дилим

ДАРСИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ЎТАСИЗ?

Пойтахтдаги Ибн Сино номли 105-мактабда «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ» шиори остида шаҳар она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг кенгаши ўтказилди. Очиқ дарслар кузатилди. Қатнашчиларга Дилфуза Ғаниеванинг 11-синфларда «Отабек, Кумуш ва Зайнаб ҳамда замонамиз ёшлари» мавзусида ўтказган бахс дарси манзур бўлди. Ўқувчилар Отабекдаги ўзбекона андиша, Кумушдаги ички ва ташқи гўзалликнинг ўзига хос уйғунлиги, Зайнабнинг урф-одатларга содиқлиги ҳақида ўз фикрларини эркин баён эта билдилар. Тажрибали, олий тоифали муаллима Гулжамила Аъзамхўжаева эса 10-синфларда «Навоий — жаҳон адабиётининг намояндаси» мавзусида семинар уюштириб, ҳар бир ўқувчини ўз устида ишлата билган. Ўқувчи Элбек Аббаров Навоий оиласи ҳақида янги, кўпчиликка маълум бўлмаган фикрларни келтирди: Алишернинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир кенг ўмровли, чорпаҳил, ўрта бўйли, ҳат-саводли, шеърият, мусиқани севган, одамшаванда сипоҳий эрди. Икки қўллаб қилич урғани, отни ўздириб жанг қилгани боисдан уни Кичкина Баҳодир деб атай бошлаганлар. Онаси Ҳалимабону қишда бешбел, баҳмал тўн, бошига рўмол, оёғига маҳси-ковуш кийишни ёқтирар экан. Бону бодом қовоқ, қийиқ кўз, буйи, бўйин ва қўллари, панжалари узун, сарвқомат, нозик дид, ширинсузлиги билан аёллар ўртасида ўктам ҳисобланган». Албатта, ўқувчидан бундай жавобни эшитиш қувончли. Ўқувчи Дилафруз Файзиева эса «Навоий асарларига ишланган миниатюралар» ҳақида сўзлаб, «Навоий — буюк шоирлар орасида» номли миниатюрани шарҳлаб берди. Ўқувчи Шоҳида Жўраеванинг «Навоий дастхати ва муҳри» реферати орқали эса Навоий муҳрида «Сен дунёда ғариб ёки мусофирдек яшагил, фақир Алишер» деган сўзлар нақшланганлигидан хабардор бўлдик. Бир соатлик бу дарсда 25 ўқувчи фаол қатнашди. Дарс давомида видеофильмлардан парчалар намойиш қилинди, ғазаллар ўқилди, турли бадиий ва илмий асарларга мурожаат қилинди. Биз Гулжамила опанинг ўқувчилари турли мавзудаги адабиётларни излаб топиб, кичик тадқиқот ёза олганларидан хурсанд бўлдик.

Дилбар Тулаганова, Мавлуда Ориповаларнинг ҳам она тили дарслари кузатилди. Улар ҳам дарсга жадвалар, тарқатма материаллар тайёрлашган. Ўқувчиларнинг жавоблари пухта. Дафтарлар текширилган. Қоидаларни ёд билишади.

Шу ўринда мактабларда она тилини ўқитиш эскича услубда давом этаётгани хусусида тўхталмоқчиман. Кўпинча адабиёт дарслари жонли, мазмунли ўтадию она тили дарслари зерикарли туюлади. Аслида-чи, она тили дарсларига эътибор ва талабни кучайтириш керак. Мана, она тили дарси бошланди, дейлик. Ўқитувчи қоидани сўрайди, ўқувчи ёд олган қоидасини айтиб беради. Сайланма ёки луғат диктант ўтказилади, уй вазифаси, албатта, машқ ўқитилади, сўнг янги мавзу ўтиб берилади, яна қоида ўқитилади ва мустаҳкамлаш учун машқ ишлатилади ҳамда уйга вазифа — машқ ёзиш топширилади. Бу билан биз нимага эришамиз? Ҳеч нарсага. Натижада она тилидан «5» олаётган, қоидани шариллатиб ёдлаб бераётган ўқувчимиз икки оғиз гапни чиройли қилиб гапиролмайди. Бунга биз сабабчимиз. Аслида қоидани ёдлатишнинг кераги йўқ. Ўқувчи унинг мазмунини билсин, шу етарли. Дейлик, олмошнинг қоидасини билади, аммо уни нутқида ишлата олмаса, бундан нима фойда? Ёки машқни кўчириб ёзиш, керакли булакларнинг тагига чизиш ўқувчиларга нима беради? Унинг ўрнига матн бериб, гап бўлакларини топтириш ёки улар иштирокида кичик ижодий ишлар ёздириш, ундан тарбияли хулосалар чиқариш фойдали эмасмикан? Дейлик, сифат, сон мавзулари ўтилса, уни мустаҳкамлаш учун сифат, сон қатнашган ҳалислар мақолларидан топтириш, уларни ёздириш фойдали-ку. Ҳам мавзу мустаҳкамланади, ҳам ўқувчи изланади, ҳам тарбиявий томонига эътибор ошади.

Тарқатма материаллардаги мисоллар ҳам ҳаётий, мазмунли бўлишига эътиборни кучайтиришимиз зарур. Хуллас, она тилини ўқитиш ишига жиддий эътиборни қаратиб, самарадорликни ошириш керак.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, «Маърифат»нинг жамоатчи мухбири.

КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

одобга ўрганиш, хаёлни пешлаш имкониятига эга бўлмаса, кунглидагини, ўйлаганини бировга етказишни билмаса, умрининг энг ноёб фасли — баркамол инсонлик пойдевори қўйиладиган давр зое кетадику. Шунинг учун ўз даврининг илғор зиёлиси мақомига кўтарилиш тарбиячининг жамият олдидаги бурчидир.

Болалар боғчалари учун миллий дастур тузилди, нашр этилди. Шу дастур асосида уни амалга ошириш йўлларини муайянлаштирувчи қўлланмалар яратиш — навбатдаги вазифа.

Ўзбекистон мактабгача тарбия концепциясини ва дастури талабларини рўёбга чиқариш долзарб кундалик иш бўлиб қолди. Ҳеч шубҳасиз, асосий вазифанинг қандай бажарилиши қорақўзларимизга дастур миқёсидаги таълим-тарбиянинг сингдирилиши ёки сингдирилмаслиги тарбиячига боғлиқ. Болалар боғчасида тарбиячининг мавқеи бирламчи, у — бош, асосий сиймо. Нега шундай? Биринчидан, кичкинтойларимиз кундузи ота-она бағридан узилиб, кун бўйи боғчада бўладилар. Иккинчидан, улар ўзлари мутолаа қилолмайдилар. Демак, тарбиячининг савияси юксак бўлиши ҳаётий эҳтиёж эканлиги аён ҳақиқат.

Болалар ҳар куни боғчада эртаклар, ҳикоялар, шеърлар, қўшиқлар, ўйинлар қучоғида бўлсинлар.

Болакайларни бадиий-эстетик оламга ким бошлаб киради? Албатта, тарбиячи ва мусиқа раҳбари. Бунинг учун уларнинг назарий ва илмий савияси ҳам, методик маҳорати ҳам талаб даражасида бўлиши лозим. Янгиликлардан бохабар, энг муҳими, ижодкор тарбиячи ҳали на малакаси, на тушунчаси бўлмаган мурғакни маънавият оламига олиб кириш учун керакли қобилиятга, услубий маҳоратга эга бўлмаса, тарбия мақсадига етмаймиз.

Эрғак қаҳрамонларини намуна қилиб кўрсаттан ҳолда маъсум гўдакларда шахсий масъулият туйғусини парваришлаб бориш мумкин. Ўйнаганда, овқатланиш вақтида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси маълум бир юмушни бажарса, қандай яхши. Айтайлик, Аҳмад билан Шаҳло ликобчаларни, Нодира билан Ботир қошиқларни қўйиб чиқса, бошқалар ҳам шу тартибда бирор иш билан қатнашса, ҳамма ўз зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб турса, айни муддао-ку... Шу тарика фарзандларимизда бурч туйғуси шаклланади. Уларга: «Менинг ишим эмас», «Менга нима» қабилида намоён бўладиган лоқайдлик касали юқмайди.

Боланинг масъулиятни ҳис этиб айтган ҳар бир сўзи, босган ҳар бир қадами тарбиячи назорати, эътиборида бўлиши ва рағбатлантириб борилиши зарур, албатта. Меҳнатга муҳаббат туйғусини худди шу тартибда асраб-авайлаб, эъзозлаб, пировард мақсадни кўздан қочирмаган ҳолда тарбиялашимиз самарали бўлар.

Мана шу ниятларнинг ҳаммасига ўйин воситасида эришиш мақсадга мувофиқ. Масалан, «Ким дастурхонни чиройли тузайди?» деган ёки бошқа ўйинларни эслайлик. Дастурларда барча машғулотлар ўйин асосида олиб борилиши назарда тутилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу вазифаларнинг амалга ошиши ёки ошмаслиги тарбиячига, унинг истеъдодига, маҳоратига боғлиқ. Тарбиячи бола учун энг улуғ инсонга, идеалга айлансагина комил инсон шахси куртаги барг ёзади, гуллайди, ҳосилга киради. Мурғак ҳамма нарсани, биз назарга илмаган икир-чикирларгача кузатади, баҳолайди.

Яна бир масала. Бола нарсалар қуршовида, турли жиҳозлар, гуллар, қушлар ёнида яшайди. Зеро, у буларнинг ҳар бирининг номини, хислатларини билсин. Жаннатда яшагандек яшасину, лекин тайёрҳўр истеъмолчи бўлмасин, тириклик неъматларининг қадрига етсин. «Болалар боғчаси» ўз номига муносиб бўлсин-да. Боғ ичидаги болалар оромгоҳига айлансин. Бизда эса кўпинча «ча»си бору «боғ»и йўқ. Жумҳуриятимиздаги, Қорақалпоғистондаги анча-мунча боғчаларда дилбандларимизни табиатга, деҳқончиликка эл қилиш ниятида экинлар экилмоқда, уларга болалар иштирокида парвариш берилмоқда. Бу — жуда ибратли тажриба. Ҳар бир боғча жаннатнинг бир бўлагидай бўлсин, жужуқларимиз табиатнинг бағрида яшашга, усимликларни, қушларни, жонзотларни ардоқлашга ўргансин. Шу жараёнда ахлоқий, экологик, нафис тарбия ҳам ўнғай тарзда сингдириб борилаверади.

Ахир, усимлик ҳам тирик мавжудот. Парвариш бўлмаса, у ҳам қуриб қолиши мумкин. Тарбиячининг барча босқичларида катталар ибрат бўлишлари талаб этилади.

Гапирсангиз, бола қулоқ солади-ю ҳамиша ҳам эсида олиб қолавермайди. У ўз кўзи билан кўрса, кузатса, катталарга ҳамкор бўлиб, ҳаракат қилса, ана шунда мурод ҳосил бўлади. Ана шунда ижодкор, яратувчи инсонни вояга етказамиз.

Назаримда, мураббия фаолияти жараёнида тарбия усулларидан ўз ўрнида фойдаланиши муваффақият келтиради.

1) Сўз воситасида бола ишончини қозониши;

2) Иш билан кичкинтой эҳтиромини уйғотиш;

3) Намуна орқали тарбиялаш;

4) Вазият орқали тарбиялаш (қийин ҳолатлардан чиқиш йўлларини кўрсатиш);

5) Ўйин орқали тарбиялаш:

Болалар боғчаларида қандай ўзгаришлар рўй беради?

1. Бадантарбия ишлари йўлга қўйилади. Ҳозирча жумҳуриятимиздаги 54 боғчада жисмоний тарбия муаллимлари ишламоқда. Ҳар бир боғчада бадантарбия майдончалари ва чўмилиш ҳавзалари бўлса, қандай яхши. Бу жуда муҳим ва фойдали иш илмий негизда, болаларнинг ёш хусусиятларини аниқ ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

2. Боғчага мусиқа дарслари олиб кирилади. Миллий мусиқамизга хос оҳанглар мактабгача тарбия давридан бошлаб тушунтирилади.

Ҳеч шубҳасизки, кичикларнинг ёшига мос, қувноқ куйлар фарзандларимизнинг руҳларини тетик қилади, машғулотларни ўзлаштириш қобилиятларини кучайтиради.

Давр таълим ва тарбия мазмунини тобора теранлаштириб боришимиз зарурлигини ҳар дақиқада уқтириб турибди. Мактабгача тарбия муассасалари учун компьютер орқали моделлаштириш дастурини тузиш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Боғчадаги, оиладаги мактабгача тарбия — умумхалқ, умумдавлат миқёсидаги муҳим вазифа, дилбандларимизни ақлий, маънавий, руҳий, жисмоний жиҳатдан, бир сўз билан айтганда, комил инсон этиб тарбиялашда пойдевор мавқеидадир. Боланинг шаклланиш жараёни қўлдан чиқиб кетмасин. Кейин гишт қолипдан кўчади — бой берилган имкониятни қайтариб бўлмайди.

Боғчаларимизда алифбосиз савод ўрганишни жонлаштириш имкониятлари мавжуд. Тошкент шаҳри ва вилоятида, Андижон, Наманган, Хоразмда хорижий тилларни ўргатиш бошлаб юборилди. Албатта, бу ишни таваккалига, яп-писига эмас, тил ўрганишга мойил болаларни аниқлаб, сўнг ўшалар билан амалга ошириш жоиз. Уз ишининг фидойиси бўлган — истеъдодли муаллимларни топиш ва боғчага тортиш зарур.

Шунингдек, кичкинтойларни нақкошлик, рассомлик оламига олиб киришга интилсак, қандай яхши бўлар эди. Шу ишга ўз соҳасининг устодларини жалб этсак, айни муддас. Бундай тадбирни ота-оналар ҳам қувватлашлари, шубҳасиз. Жамоатчилик қулласа, маҳаллада яшайдиган турли касб эгалари ярим соат вақт ажратиб, дилбандларига ўз ҳунарларини ўргатсалар, бунинг турган-биттани —савобку.

Тарбиячи ҳақида гапирдик. Услубиётчи — методист тўғрисида ҳам алоҳида тўхталишимиз шарт. У ҳар куни янгилик беришга, чет эл болалар боғчаларидаги, шу жумладан Марказий Осиё боғчаларидаги тажрибаларни ўзлаштириш ва ўргатишга масъул.

Мудира хусусида нима дейиш мумкин? Ў қандай бўлса, боғча шундай бўлади. Муайян тарбия масканига киришингиз билан, бу ернинг раҳбари қандайлигини янглишмай сезишингиз мумкин. Остонасидан ҳатлаб ўтишингиз билан озодалик, саранжомсаришталик гувоҳи бўлсангиз, мудира ўз ишининг устаси экан, деган фикрга келасиз. Мактабгача тарбия муассасасининг бошчиси ташаббускор, ўз ишининг билимдони, жонкуяри, ҳалол, инсофли, диёнатли бўлмоғи фарз ва қарз.

Шундай бир маррага етдикки, энди бу ёғига эскича фикр, иш услуби, эскича ёндашувдан воз кечиб, янги йўлдан юрмасак, ўзгариш рўй бермайди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда болаларни уйда ўқитиш ҳам кўзда тутилган. Ҳозир боғча таълимига олган фарзандларимиз билан уйдан ҳеч қандай тайёргарликсиз мактабга келган дилбандларимиз ўртасида катта фарқ сезилмоқда. «Боғча кўрганлар»нинг тили бурро, ручка, қалам тутишни, расм чизишни, сурватга қараб ҳикоя қилишни ўрганган... Уларни ажратиб ўқитишнинг имкони йўқ. Хуллас, ўқишга тайёрлаш жараёнини, мактабгача тарбия муассасаларида ҳам, оилада ҳам бирдек юқори савияда ўтказиш тадбирларини йўлга қўйишимиз ҳаётий зарурият. Ана шунда саводхонликда катта ўзгариш рўй бериши мумкин. Бу жараёнга радио, телевидение, газеталар, журналлар салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Барча ота-оналарни тўғри тарбия бера оладиган даражага кўтариш лозим. Масалан, Туркия телевидениеси ёш оналар учун махсус дастур асосида кўрсатувлар бериб боради. Кимдаким уларни ўзлаштириб, синовдан ўтса, тест саволларига жавоб топа олса, уй энагаси деган ҳужжат берилади. Бизда ҳам шундай тажрибаларни амалга ошириш фойдали бўлар эди.

Бола боғчасида хизмат этаётган ҳар бир тарбиячи, услубиётчи, мудира ўз-ўзига: «Мустақил республикамиз кичкинтойларини янги талаблар асосида тарбиялашга тайёрмизми? Тайёр бўлмасак, нима қилмоқ, қандай янгича ишлаш керак?» — деган саволга тинмай жавоб излаши, шу йўлда ўқиш-ўрганиши, ташаббус кўрсатиши талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, ўқиш, ўрганиш мустақил мутолаа қилиш кундалик эҳтиёжга айланиши керак.

Ақл ақлдан қувват олади. Аждодларимиз тафаккури биз-нинг ақлу туйғумизга, биз-нинг куч-қудратимизга эса фарзандларимизнинг ақлу туйғуси, куч-қудрати уланси-н, камол касб этсин.

ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИМИЗ

Хўжаобод туманидаги Алишер Навоий номли 13-ўрта мактабда «Садаф» ёш ижодкорлар тўгараги иш бошлаганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ёш ижодкорларимизнинг шеърлари, ҳикоя, эртаклари туман, вилоят ва республика матбуотида кўрина бошлади. Иқтидорли ижодкорлардан Нилуфархон Йўлдошалиева, Саъдулло Зулунов, Дурбек Каримов, Зилола Юнусова, Шукрулло Орипов, Гулбадан Сарқулова, Дилбархон Турдиева кабиларнинг ижод намуналари эса кўпчиликнинг эътиборини торта бошлади. Нилуфархон «Мустақил Узбекистон» номли, Шукрулло эса «Жилмайди баҳор» деган илк китобларини тайёрладилар. Ҳозир уларнинг китоби чоп этиш учун тайёрланмоқда. Қуйида шу тўгарак ижодкорларининг ижод намуналаридан эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Неъмат ОРИФ,
«Садаф» тўгарагининг раҳбари.

ХИРМОНГА ҲИССА

Ҳар чаноғи — кумуш коса,
Нишолдадек тошар пахта,
Бизлар завққа тўлиб роса,
Теримни ҳам қилдик пухта.
Тянь-Шандан ўтсин дея,
Узбекистон хирмонини,
Аскар каби тизиб қўйдик
«Оқ олтин»нинг карвонини.

Шукрулло ОРИПОВ.

БАХТИЁРМАН

Ҳаммамизга бахтдир ёр,
Озод, мустақил диёр,
Қалбимда яшнар баҳор,
Бахтиёрман, бахтиёр.

Зилола ЮНУСОВА.

АЗИЗЛАРНИНГ АЗИЗИ

Азизлардан азизим,
Тили асал, лазизим,
Омон бўлинг ҳамиша
Онажоним, азизим.

Нилуфар ҚИРҒИЗБОЕВА.

АҚЛЛИ БОЛА

Эртак

Бир бор экан, бир йўқ экан. Бир замонлар Бекзод билан Шерзод деган икки дўст бўлган экан. Бекзод кўп китоб ўқиб, ҳар ишни ўйлаб қилишга тиришаркан. Шерзод эса, аксинча дангаса, китоб ўқиш у ёқда турсин, дўстига халал бергиси келаверар, унинг яхшиликка чорловларига ҳам бепарво экан. Бекзод бир китобни ҳеч қўлдан қўймай қайта-қайта ўқиркан. Шерзод шу китобни бир илож қилиб, йўқотишга қасд қилибди. Охири пайт пойлаб, олиб қочиб кетибди. Уч кун ўтказиб келибди. Бекзод эса ҳеч нарса кўрмагандек Шерзод билан сурашиб, бир нуқтага тикилиб хаёл сураверибди. Кута-кута тоқати тоқ бўлган Шерзод дебди:

— Дўстим, нега хомушсан, яна тинмай ненидир ўйлаяпсан?

— Йўқ, ўйлаётганим йўқ, хаёлан ўқияпман, — дебди жавобан Бекзод.

— Нимани? — дебди ўзини бепарво тутиб Шерзод.

— Нимани бўларди, ўша қадрдон китобни-да!

— Қайси китобни? — бир оз қизара бошлабди Шерзод.

— Қайси бўларди, йўқолган китобни-да!

— Китобинг йўқолган бўлса, уни яна қандай ўқияпсан?

— Э, дўстим, Шерзод, — дебди энди унга юзланиб Бекзод, — китобимни ўғирлаган кўрнамак менинг ақлу ҳушимни ўғирлай олмайди-да!

Ахир у китоб менга ёд бўлиб кетган. Мен энди уни ёддан ўқийвераман. Ўғрининг ўзига қийин, ё ўқимайди, ёки ўқиганни ҳам қўролмайди...

Шунда Шерзод росмана мулзам бўлиб қолган экан.

Дурбек КАРИМОВ.

УЗР

ҲИКОЯ

Олимпиадага биринчи борганимдаёқ у билан танишиб қолган эдим. Унинг қувноқлиги, дилида кири йўқлиги, ҳар бир гапдан ҳазилли иборалар чиқариб, ҳар қандай одамни кулдира олиши менга ёқарди. Шунинг учун ҳам уни Зафар қизиқчи деб атардим. У ҳам бунга қаршилик қилмасди. Бугун вилоят олимпиадасига келдик. Туманлараро олимпиадада ҳам олдинги ўринларни олганимиз учун бу ерга олиб келишганди. Олимпиадани топшириб чиққач, тушликка ўтирдик. Зафар қизиқчи билан бир столда ўтирардик.

— Бўлса тоқат, олинг овқат, — деди Зафар қизиқчи менга жилмайиб боқиб, қошиқни овқатига соларкан.

— Сиз ҳам олингчи дўстим, — дедим унга.

Овқатдан сўнг кампотдан ичаркан-миз, у билан тузукроқ танишиб олиш ниятида савол бердим:

— Зафар, отангиз нима ишда?

Зафарнинг қувноқ чеҳраси бирдан тундлашди, лаблари қалтираб, пастга қараркан:

— Отам, отам, — дея олди, холос.

Унинг бирдан кайфияти тушганига хижолат бўлдим. Бекорга савол берибман, деб ўйлаб, кунглини кўтармоқчи бўлдим:

— Кечирасиз дўстим, мен билмай, ҳалиги нимайди, ишқилиб, отангизнинг жойи жаннатдан бўлсин.

Энди Зафар менга зардали қараш қилди-да:

— Отам тирик, ундай деманг, фақат мен кичкиналигимда бизни ташлаб кетиб қолган, — деб ўрнидан туриб кетди.

— Узр, дўстим! — дея олдим хо-лос...

Саъдулло ЗУЛУНОВ.

МЕҲРГА ЗОР ҚАРИЯЛАР

ЁХУД ТОШБАҒИР ФАРЗАНДЛАР ХУСУСИДА

Қиссадан ҳисса

Болалик йилларимда ўқитувчиларимиздан бири қариялар уйи ҳақида гапириб бергандилар. Муаллимимиз ўшанда қариялар уйи деб аталадиган жойда қариб-қартайган вақтларида Оллоҳ Таолонинг амри билан барча фарзандлари ва яқинларидан айрилган, ёлғиз қолган боболару момолар яшашини айтиб бергандилар. Ушанда мен анча вақтгача бу гапни ҳазм қилолмасдан юрганман. Кўз олдимда фарзандлари ва яқин қариндошларининг барчасини қабрга қўйиб, ёлғиз ўзи қолган ўта ғариб ва нотавон бобо ёки момо гавдаланарди. Мен ўз тасаввуримдаги ҳорғин, ўта юпун кийинган, боши эгик, камгап, кўзлари ёшли бобою момонинг сўлғин юзини аниқ кўргандек бўлардим... Уларга ич-ичимдан ачинардим, раҳмим келарди...

Яккабоғ тумани ҳокимлигининг масъул ходими Олимхон Даминов билан Яккабоғ шаҳрида жойлашган Узбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги тасарруфидаги қариялар ва ногиронлар уйи остонасига етиб келганимизда менинг хаёлимда яна ўша болаликдаги «қарияларим» қайта гавдаланди...

Қариялар ва ногиронлар уйи директори Қулмаҳмат ака Холиқов ва бош шифокор Мурод ака Боллиевлар ҳамроҳлигида биз қария ва ногиронларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик.

Ушбу уй 1985 йилда ташкил этилган бўлиб, айни кунда ҳам бу ерда 71 нафар қария ва 77 нафар ногирон, ҳаммаси бўлиб 148 нафар турли миллатга мансуб бўлган муҳтож инсонлар яшайдилар.

Мустақил юртимиз ва унинг доно юртбошиси раҳнамолигида бу ерда доимий яшаётган ана шу инсонларнинг барчасига керакли шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу масканга Яккабоғ тумани ҳокимлиги, Қашқадарё вилояти фахрийлар кенгаши ҳар бир тадбирга бошқош бўлиб келаётир. Муборак газни қайта ишлаш заводи ва қўплаб қўли очиқ ишбилармонлар ҳомийлик ишларини амалга ошириб, хайр-саховат кўрсатиб туришибди.

Бу ерда яшаётган ногиронлардан 71 нафари алоҳида қаровга муҳтож, улар юра олмайдилар. Тўғриси, биз бу ерда хизмат қилаётган 42 нафар тиббиёт ходимларига чин дилдан раҳматлар айтдик. Уларнинг хизматлари ростакамига оғир. Бундай савобга не етсин?..

Директор Қулмаҳмат ака ҳисоблашади. Юргандаям бошларини эгиб юришади...

Узини Тожимурод бобо Қуддусов деб таништирган отахонни суҳбатга тортдик. Отахонинг ёшлари иккам етмишда, 8 йилдан буён шу хонадонда яшайдилар. Бу киши Навоий вилояти Навбаҳор туманининг Бошқудуқ қишлоғидан келганлар.

Тожимуродбобо бундан 9 йил бурун автомобиль ҳалокати туфайли майиб бўлиб қолган экан. Қисқаси, майиб отани 6 нафар фарзанди ҳам, шунча йил бир ёстиққа бош қўйиб, бирга яшаб келган «вафодор» аёли ҳам парвариш қилишни хоҳлашмабди. Парвариш у ёқда турсин, у кишига ўз уйидан ҳам жой топилмабди...

— Ҳукуматимизга, дўхтирларимизга катта раҳмат, — деди Тожимурод бобо. — Худога шукур, анча яхшиман, ато қилинган ризқу насибамизни еб турибмиз... Орқамдан фарзандларим ҳам, укамлар ҳам келишмайди. Ундан-бундан уларнинг эсон-омонлигини сўраб тураман. Майли, ўз кунларига омон бўлишсин... — Отахон бошини кўтармасдан кўз ёшларини яктаги этагига артди...

Биз чорпоя устида Китоб тумани, Навоий номли жамоа хўжалигининг Сариосиё қишлоғидан келиб 7 йилдан буён шу уйда яшаётган 84 ёшли отахон Исмоилбобо Юнусов, яна шу тумандан келган 66 ёшли Гадойбобо Ҳамроев, Қарши шаҳридан келган 57 ёшли Галина Бўтаева ва бошқа кўплаб кишилар билан очиқчасига суҳбатлашдик. Қариялар билан қилган мулоқотларимизнинг аксариятида бағри тош фарзандларнинг қилган қилмишларидан ранжидик.

Директор мана шу хонада муллабобомиз яшайдилар, дея бир хонага бошладилар. Хонада Мулла Сатторбобо Худойбердиев билан анча суҳбатлашдик. Муллабобо ҳам роппа-роса 8 йилдан буён ана шу қариялар уйида ҳаёт кечирарканлар. Узлари Чироқчи тумани, «Қалқама» жамоа ширкат хўжалигининг Тарағай қишлоқидан эканлар. Отахон худо берган 2 нафар қизу бир нафар ўғилни тоғу-тошларда қўй боқиб, тирикчилик қилиб ўстирибдилар, уйли-жойли қилибдилар. Худо берган қисмат экан, кампирлари оламдан ўтибди. Мулла Сатторбобо ягона ўғиллари қарамоғида қолибдилар. Оилада ҳар куни нон устида ҳам, чой устида ҳам жанжал. Келин эрига кун бермайди. «Бу уйда ё отанг турсин, ёки мен турай. Отанг билан бир ҳовлида яшамайман... Узимни ўлдираман...» Шўрлик ўғил отанинг ҳам, хотинининг ҳам ёнини ололмайди, келин ва қайнатанинг бошларини бир жойга қовуштира олмайди ҳам... Қўни-қўшни, эл кайвонилари томошабин... Хуллас, Муллабобонинг ўзлари масалага якун ясадилар. Ўз оёқлари билан қариялар уйига кириб келдилар. «Орқамдан келишмайди, — дейдилар Мулла Сатторбобо. — Болаларимни, набираларимни, қўни-қўшни қадрдонларимни соғинаман... Билмадим, пешонамга шу кунлар ёзилганмикан?.. Майли, келишмасаям, тинч бўлишса, соғу саломат бўлишса бўлгани...»

82 саратонни қаршилаган, нуроний отахон Мулла Сатторбобонинг кўз ёшларига тоғу-тошлар ҳам эрийди...Ўғил ва келинчи?.. Бунисини билмадим... Мулла Сатторбобо дарҳақиқат қариялар уйида ўзига ҳоҳ иззат-ҳурматда яшаяпти, қорни оч эмас, уст-боши бут. Ўғил отасига фарзандлар, набиралар меҳри кераклиги, Муллабобо қорнига эмас, қадрига йиғлаётганлигини заррача тушунармикан?..

Бизнинг Шарқда отага меҳрсиз фарзандни ҳўдогаям меҳрсиз деб тушунилади. Ахир «Ота рози— Худо рози» деб бежиз айтилмаганку!..

Мен бир нарсага жуда-жуда ишонаманки, ота-онасининг қадрига етмаган фарзанд, албатта, ўзи ҳам қариганда қадр кўрмайди. Шу боис халқимизда, «Отангга чўп отма, кун ўтиб бир кун фарзандинг сенга тош отмоғи мумкин», деган ҳикмат бор. Ҳа, шундай!

Ҳар қанчалик ноқулай бўлмасин, мен дилимдаги саволни Мулла Сатторбобога беришга журъат қилдим: «Вафот этганларни қандай дафн қиласизлар?» «Отажоним, — дедилар Муллабобо, — тортинмай сўрайверинг. Улим ҳақ. Худони ва эртами-кечми ўлимни тан олмаган инсон Муҳаммадга уммат эмас. Қариялар хонадони — бизнинг уйимизда ўлим ҳам бўлиб туради. Айримларини қариндош ва фарзандлари олиб кетишади. Уйимизнинг тили билан айтганда «эгасиз ўлик»ларни қария ва ногиронлар уйи маъмурияти кумади. Мусулмонлар қазо қилса, мен ўзим жанозасини ўқиб бераман. Шу ердаги мозорга кўмиб келишади. Тўғриси, иси-чироғи қилинмайди. Бунга имконият ҳам йўқ...» Отахон кўзларида яна ёш қалқди: «Билмадим... Менинг жасадим қаерда кўмиларкан?.. Ўғлимга хабар қилишса, она қишлоғим Тарағайга олиб кетармикан?..»

Ҳа, Яратган эгам ҳар бир банданинг тўрт мучасини энг аввало бутун қилиб яратсин. Яна бир гап. Ҳар бир инсон қариганда тинчисин, фарзандлару набираларининг ҳузурини кўрсин...

Ахир, қарилик ҳам бир буюк ҳикмат-ку! Қариси бор уйнинг париси бўлармиш. Қариси бор уйда иймон-эътиқод, қут ва барака, файз бўлармиш. Бобосига бир пиёла сув тутган жажжи набиранинг бутун умри сувдек сероб бўлармиш...

Доно халқимиз орасидаги бундай ибратли нақлларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Булар ҳам бежиз айтилмаган. Наҳотки буларни аҳли донишларимиз ёшларга тушунтирмайдилар? Ахир ёшлар ҳам вақти келиб кексаяди-ку!..

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири.

Хуллас...

Ўрдаклар нариги дунёдан қайтишди

Руминиянинг Уцза Водэ қишлоғилик бир боғбон винонинг қайнаб, қотиб қолган ачитқисини ерга ўғит бўлсин деб, боғининг тўрига сочиб ташлади. Ўрдаклар уларни тановул қилгач, ҳар бири юмалаб-юмалаб қолаверди. Буни кўрган уй бекаси «Ўрдакларимга ўлат тегди, шекилли» дея уларни дарё қирғоғидаги ахлат уюмига чиқариб ташлади. Лекин анча фурсат ўтгач 20 га яқин «қайта тирилган» ўша ўрдаклар кайфи бор одамнинг юришини қилиб ўз ҳовлиларига кириб келишди. Бека мастликни ўлим билан адаштириб қўйган экан.

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир

Олиб туфроққаму кетгумдир охир, деган эди боболаримиздан бири.

Перм шаҳрида (Россия) истиқомат қилувчи 72 яшар чол ёшлигида Москва цирк билим юртини тугатган экан. Тугатишга тугатибди-ю ўзининг кўзбойлагичлик санъатини цирк саҳнасида эмас, магазин пештахталарини ўмаришга сарфлабди. «Натижалар» чакки эмас — қамоқхонада 52 йил «стаж» йиғибди. Бу ҳам етмабди чоғи, 72 ёшида магазинда «фокус» кўрсатаётганда қўлга тушибди. Яна бир «тасодиф»ни қарангки чолнинг қамоқхонадан чиққанига бор-йўғи бир ярим ой бўлган экан.

Дарвоқе, бобомизнинг бу ғазалларини 72 яшар ўғри нотўғри талқин қилибди чоғи.

БАСКЕТБОЛНИ ЎҚИТУВЧИ ЎЙЛАБ ТОПГАН

Ҳа, дунёдаги одамлар орасида энг ижодкор қатлам — муаллимлар эканлигига шубҳа йўқ. Ахир барча ихтиролар, тадқиқоту кашфиётлар соҳибларини ҳам муаллимлар ўқитиб, тарбияламаганми? Қолаверса, улар шахсий ибрат ҳам кўрсатишган. Мана энг яқин ўтмишдан бир далил: баскетбол ўйинини Америка коллежларидан бирининг ўқитувчиси Жеймс Нейсмит ўйлаб топган экан.

ана шунақа гаплар

Эркин Воҳидов— ўқувчилар меҳмони

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 275-ўрта мактабда ўнлаб шеърий тўпламлар муаллифи, Узбекистон халқ шоири Ҳамза мукофоти совриндори Эркин Воҳидов билан учрашув бўлиб ўтди. Кечада 11-«А» синф ўқувчилари шоирнинг қаламига мансуб асарлардан саҳна кўринишлари намойиш этишди. Учрашув иштирокчиларига 1-«В» синф ўқувчиси Зоир Муҳамадиев ўқиган шеърлар жуда маъқул бўлди. Кеча сунггида шоир ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Бобур ОТАМУРОДОВ.

Республика ўқувчилар техника ижодиёти маркази ёшларнинг баркамол воя етишида ўзига хос ўринга эга. Бу ерда ўқувчиларнинг ижодкорлиги, мустақил фикрлаши учун барча шароитлар муҳайё. Айниқса, марказ директори Толибжон Қорабоев тўгараклардаги барча ишларга бошқош. Чунки унинг умр йўли шу даргоҳ билан боғланган.

СУРАТДА: Т. Қорабоев тўгарак аъзоларининг ишини кўздан кечирмоқда.
Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

1996 йил — Амир Темур йили

ВАТАНПАРВАРЛИК ЎЗ ЎЛКАСИНИ ЎРГАНИШДАН БОШЛАНАДИ...

Бугунги кун мактаб тарих ўқитувчиси соҳибқирон — Амир Темур ҳақида керагича манба топиши ва ўқувчиларга етказиши мумкин. Беш йил аввал нафақа ёшига етиб, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган минглаб тарих ўқитувчилари қалбида эса бу бир армон бўлиб қолди. Чунки ўша даврларда улар бой ва қадимий тарихимизни, миллий қаҳрамонларимизни, буюк шахсларни ўз ўқувчисига ҳаққоний етказа олиш имконига эга эмас эди.

Улар дарсларида Темурни унинг жаҳон тарихида ўз ўрни бўлган буюк сиймо эканлигини, туркий халқларнинг чинакам доҳийси, илм-маърифат ҳомийси, бунёдкор шахс сифатида руй-рост гапира олмас эдилар.

Амир Темурнинг 660 йиллик туйи зур шодиёна билан нишонланаётган кунларнинг бирида республика педагог уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Шораҳим ака Гадойбоевнинг саъй-ҳаракатлари билан пойтахт мактабларида нафақа ёшига етиб, севимли вазифасини давом эттираётган тарих ўқитувчиларининг Амир Темур қадамжолари бўйлаб саёҳати уюштирилди.

Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал деганларидек, бу саёҳат тарих ўқитувчиларимиз учун ниҳоятда қувончли воқеа бўлди. Мустақиллиқ йилларида жаҳонгирдан мерос қолган ёдгорликлар таъмирланиб, чиройига-чирой қўшилибди.

Оқсарой майдонида, Самарқанд шаҳрида Соҳибқиронни-нг салобатли ҳайкаллари қад ростлаган. Саёҳатчилар Амир Темур мақбараси, Регистоннинг осмонўпар обидаларини Бибихоним раҳбарлигида барпо этилган Жомъе масжиди, Шоҳизинда зиёратгоҳи, Улуғбек расадхонасини ва Соҳибқирон туғилган Ҳўжа Илғор қишлоғини бориб кўрдик, олам-олам таассуротлар билан қайтдик.

Самарқанд, Шаҳрисабздаги тарихий обидаларни кўриш, ўрганиш баробарида биз давлат ва жамоат арбоби, ўзининг нодир асарлари билан ен-не қалбларни жунбушга келтирган адиб Шароф Рашидовнинг уй музейи, ул муборак зот таълим олган мактабни ҳам кўришга муяссар бўлдик.

«Ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади» — деганларидек ёшларга Ватанимиз тарихи зарварақларидан муносиб ўрин олган Темур ва темурийлар тарихи маданияти, маънавиятини ўрганишда бу сафар таассуротларининг ўрни беқиёсдир.

М. МЎЙДИНОВА,
Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг методисти.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1996 йил декабрь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

1. Тошкент шаҳар халқ таълими бўлими мудир ўринбосарлари — 2-28 — ўзбек тилида.
2. Ўрта мактаб директорлари — 2-28 — ўзбек тилида.
3. ВУМОИ илмий ишлар бўйича ректор (директор) ўринбосарлари — 9-21—ўзбек тилида.
4. ХТБ бошланғич таълим методист-назоратчилари —2-28 — ўзбек тилида.
5. Тошкент халқ таълими бўлимининг ўзбек тили ва адабиёти фани методистлари — 2-28 — ўзбек тилида.
6 ВУМОИ мусиқа кабинети мудирлари — 2-14 — ўзбек тилида.
7. Тошкент шаҳар халқ таълими бўлими физика-математика методистлари — 2-28— ўзбек тилида.
8. Қозоқ мактабларининг қозоқ тили ва адабиётининг ўқитувчилари — 2-14 — қозоқ тилида.
9. Махсус мактаб-интернатларининг тарбиячилари — 2-14 —ўзбек тилида.
10. Олий ва 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчилари — 2-28 — ўзбек тилида.
11. Ёш техниклар ижодиёти маркази методистлари — 2-28 — ўзбек тилида.
12. тарих бўйича ВУМОИ ВПХМОИ кабинет ва кафедра мудирлари —2-14 — ўзбек тилида.
13. Олий ва 1- тоифали физика ўқитувчилари — 2-14 — ўзбек тилида.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1-5 декабрь кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси.
Телефон: 46-06-62, 46-06-67.

Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 2-31 декабрь 1996 йилда навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ:

Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари, мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари —2.12 — 31.12.96 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида боласи билан келадиган тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 2-6 декабргача қабул қилинадилар.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси.
Телефон: 46-98-04, 46-90-94.

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги жамоаси Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Узбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи, педагогика фанлари доктори Қумри Абдуллаевага унинг қизи Нодира РАҲМОНБЕКОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унга чуқур таъзия изҳор этади.

Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти маъмурияти институтнинг бошланғич таълим назарияси ва методикаси бўлими мудири, педагогика фанлари доктори Қумри Абдуллаеванинг қизи Нодира РАҲМОНБЕКОВАнинг бевақт вафот этганлигини билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти жамоаси тарих ўқитиш услубиёти кафедраси профессори А. Саъдиевга турмуш ўртоғи МАРҲАМАТ опа вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Олимжон ҲАЙИТ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0646.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.